

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факультет Сервис ва туризм

Кафедра Хизматлар күрсатиши, сервис ва уни- ташкыл этиши

«Химояга тавсия этилди» Кафедра мудири, катта ўқитувчи И.Х.Шукров

Баённома № 2019 й. май

5610100-Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш) таълим йўналиши

**ХСЕ-115 гурух талабаси Абдурайимов Жасурнинг
“Сариёғлар ассортиментини ўрганиш ва сифат
экспертизасини ўтказиш (Самарқанд шаҳридаги
“Муроджонсуг” МЧЖ мисолида)”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. Файзиев Ж.С.

САМАРҚАНД – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**“ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ, СЕРВИС ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”
КАФЕДРАСИ**

ТАСДИҚЛАЙМАН
Кафедра мудири _____
катта ўқитувчи И.Х. Шукуров

_____ (сана)

Битирув малакавий иш бўйича Сервис ва туризм факультетнинг **5610100-Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)** таълим йўналиши IV курс талабаси **Абдурайимов Жасурга**

Т О П Ш И Р И К

1. Битирув малакавий ишнинг мавзуси “**ЭСариёғлар ассортиментини ўрганиш ва сифат экспертизасини ўтказишээ (Самарқанд шахридаги “Муроджонсугт” МЧЖ мисолида)**”
2. Институт ректорининг буйруғи билан битирув малакавий иш мавзуси тасдиқланган: **28 декабр 2018 йил, 325-«Т».**
3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қонунлари, ВМ қарорлари, низомлар, дастурлар, йўриқномалар, мавзуга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий ишлар, чоп этилган илмий мақолалар, тезислар, интернет материаллари, тадқиқот ўтказиш жойлари, таҳлил натижалари*

4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари

| Тартиб рақами | Битирув малакавий иш бўлимлари | Бажариш муддати |
|-----------------|------------------------------------------------------------------------|-----------------|
| | Кириш..... | |
| I-БОБ. | Сариёғлар хусусиятлари..... | |
| 1.1. | Сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати..... | |
| 1.2. | Сариёғлар ассортименти..... | |
| 1.3. | Сариёғлар сифатини шаклланиши..... | |
| 1.4. | Ишни мақсад ва вазифалари..... | |
| II-БОБ. | Сариёғлар экспертизасини ўтказиш усуллари.... | |
| 2.1. | Сариёғлар экспертизасини ташкил этиш..... | |
| 2.2. | Тадқиқот услублари баёни..... | |
| III-БОБ. | Сариёғлар сифат экспертизасини ўтказиш..... | |
| 3.1. | Сариёғларни физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичларини аниқлаш..... | |
| 3.2. | Сариёғ консистенциясини кесик намунаси бўйича аниқлаш..... | |
| 3.3. | Сариёғни иссиқликга чидамлилигини аниқлаш..... | |
| IV-БОБ. | Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги..... | |
| 4.1. | Мехнат ҳавфсизлиги | |
| 4.2. | Ёнғин ҳавфсизлиги | |
| | Холоса ва таклифлар..... | |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | |

Топшириқ берилган сана _____

Битирув малакавий ишини топшириш муддати_____

Битирув малакавий иш раҳбари_____ (илмий раҳбарнинг ф.и.ш.)

Топшириқни олдим_____ (талабанинг имзоси)

Эслатма: 1. Топшириқ икки нусхада тузилади, бир нусхаси талабага берилади, иккинчиси кафедрада сақланади.
2. Ушбу топшириқ битирув малакавий ишига илова килинади.

МУНДАРИЖА

| | | |
|-----------------|------------------------------------------------------------------------|----|
| | Кириш..... | 4 |
| I-БОБ. | Сариёғлар хусусиятлари..... | 10 |
| 1.1. | Сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати..... | 10 |
| 1.2. | Сариёғлар ассортименти..... | 14 |
| 1.3. | Сариёғлар сифатини шаклланиши..... | 20 |
| 1.4. | Ишни мақсад ва вазифалари..... | 43 |
| II-БОБ. | Сариёғлар экспертизасини ўтказиш усуллари.... | 44 |
| 2.1. | Сариёғлар экспертизасини ташкил этиш..... | 44 |
| 2.2. | Тадқиқот услублари баёни..... | 45 |
| III-БОБ. | Сариёғлар сифат экспертизасини ўтказиш..... | |
| 3.1. | Сариёғларни физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичларини аниқлаш..... | 55 |
| 3.2. | Сариёғ консистенциясини кесик намунаси бўйича аниқлаш..... | 58 |
| 3.3. | Сариёғни иссиқликга чидамлилигини аниқлаш..... | 59 |
| IV-БОБ. | Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги..... | 62 |
| 4.1. | Меҳнат ҳавфсизлиги..... | 62 |
| 4.2. | Ёнгин ҳавфсизлиги..... | 66 |
| | Хулоса ва таклифлар..... | 72 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 73 |

Кириш

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири хисобланади.

2016 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Хизмат соҳасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 55-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда хизмат соҳаси корхоналари фаолиятини мутаносиб ривожлантириш ва диверсификациялаш мақсадида, тақдим этилаётган хизматлар рақобатбардошлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида вазирлар махкамаси томонидан белгиланган қатор чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Қарор доирасида 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришни устивор йўналишлари ва вазифалари сифатида қўйидагилар эътироф этилган:

-хизмат соҳасини ривожлантириш хисобида ялпи ички маҳсулотни кўрайтириш;

-2020 йилда қишлоқ жойларида хизматларни 1,8 маротаба ошириш;

-муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш, информация – коммуникация технологияларини тадбиқ этиш хисобида хизмат соҳасини жадал ривожлантириш, структуравий ўзгартишлар учун шароит яратиш;

-рақобат мухитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектарини ривожлантиришга кўмаклашиш;

-турли инновацион хизматларни, янги алоқа воситаларини кенгайтириш;

-қишлоқ ахолисини телекоммуникация тармоқларига эришиш техник имкониятларини таъминлаш, 2020 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари улушкини Республика иқтисодиётида 2,5 % гача етказиш;

-янги электрон, тўлов технологияларини тадбиқ этиш орқали молиявий хизматларни ривожлантириш;

-соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологик хизматларни ривожлантириш.

Ушбу қарор билан хизмат соҳасини Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда ривожлантириш дастури маъқулландики, у 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат соҳасини ривожлантиришни мақсадли параметрларини, хизмат соҳасини қишлоқ жойларида ривожлантириш мақсадли параметрларини, хизмат соҳасини ривожлантириши комплекс тадбирларини, шунингдек тижорат банклари томонидан хизмат соҳасини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитларни прогноз хажмларини қамрайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан хизмат соҳаси корхоналари фаолиятини мутаносиб ривожлантириш ва диверсификациялаш долзарблиги қуидагича эътироф этилган эди: “Тармоқлар ва худудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илгор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор”¹.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда 2015 йилга нисбатан жами хизматлар хажмини 1,8 маротаба, жумладан яшаш ва овқатланиш хизматлари хажмини 1,8 маротаба ва савдо хизматлари хажмини 1,6 маротаба ошириш назарда тутилган. 2020 йилда Республика регионларида қўшимча равишда 193 та янги пархез ошхоналарни яратиш,

¹ **Шавкат Миромонович Мирзиёев.** Эркин ва фаровон. Демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президента лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишинланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент. Ўзбекистон НМИУ, - 2016 й.

200 та умумий овқатланиш ташкилотларида таомларни буюртма асосида етказиб бериш хизматлари ташкил этилади.

Сариёғ асосан сут ёғидан (50 % дан юқори) иборат бўлган ҳолда, натурал ҳолда истеъмол қилишга мўлжалланган (тавсия қилинадиган) ягона ёғли маҳсулот ҳисобланади. Сариёғни бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўсимлик мойлари ўртасидаги ўзига ҳослиги уни органолептик кўрсаткичлари (таъми, хиди, ранги, консистенцияси) комплекси, озиқавий ва биологик тўлақонлиги билан тушунтирилади. Сариёғ ёқимли сариқ рангга эга бўлиб бу унга ўзига жалб қиладиган ташқи кўриниш беради. Сариёғ таъми ва хиди бўйича кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари хазм бўлишини ошириб улар билан яхши уйғунлашади. Истеъмолчилар сариёғни ўзига ҳос антиқа ва алмаштириб бўлмайдиган маҳсулот эканлигини ҳисобга олишлари ва уни фақат натурал ҳолда истеъмол қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикасида сариёғ ишлаб чиқариш билан 10 тага яқин корхона шуғулланишадики, уларни ичида энг йириги 2006 йилда ташкил этилган ва суткасида 60 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган “АгроБраво” МЧЖ ҳисобланади. Аммо уларни сариёғ ишлаб чиқариш бўйича қуввати атиги ўндан бир қисмiga фойдаланилади. Агар ўтган йили Ўзбекистонда сариёғ ишлаб чиқариш 64,4 % га ўсиб 14,6 минг тоннага етган бўлса, жорий йилни биринчи кварталида эса у 350 тоннагача пасайди. Ишлаб чиқарувчилар бундай холатни сутни қайта ишлашнинг, ушбу фаолиятга қўшилган қиймат солиғи жорий этилиши сабабли, ўртacha 15 % га қимматлашиши, импорт қилинадиган озиқа нархини ўсиши сабабли фермерлардан сотиб олинадиган сут нархини 12-15 % га ошиши билан боғлайдилар. Бунда йил давомида Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича сут 21,7 % га қимматлашган. Жорий йил январ ойининг охиридан бошлаб Ўзбекистондаги сутни қайта ишловчи корхоналар қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилинди ва нархларни ўсиши бирмунча тўхтатилди. Айтиш жоизки, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан Ўзбекистонда ёғлиги 85 % дан юқори бўлмаган сариёғ импорти 25,3 % га

пасайтирилиб 851,8 тоннагача етказилган. Хусусан, ўтган йил якунлари бўйича сариёғни Франциядан импорт қилиниши 22,5 % га камайтирилиб 471 тоннани ташкил қилди. 2019 йилни биринчи кварталида 2018 йилни аналогик даврига нисбатан ёғлиги 85 % дан юқори бўлмаган сариёғ импорти 55,5 % га оширилиб 298,8 тоннагача етказилди. Ўзбекистонга энг йирик сариёғ етказиб берувчилар Франция (сариёғ экспорти 13,5 % га оширилиб 150,1 тоннани ташкил қилган), Янги Зелландия (сариёғ экспорти 3,1 маротаба оширилиб 60,7 тоннани ташкил қилган) ва Литва (сариёғ экспорти 89,8 % га оширилиб 38,9 тоннани ташкил қилган) ҳисобланади. Ушбу тахлилий маълумотлар сариёғлар ассортиментини ўрганиш ва сифат экспертизасини ўтказишни долзарб масалага айлантиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Сариёғ организмда алмаштирилмайдиган аминокислоталар ва бошқа органик моддаларни синтез қилишда фойдаланиладиган витаминалар ва ёғ кислоталари манбаи ҳисобланади. Сариёғ овқат хазм қилиш органларини функционал бузилишлари, аввало жигар, ўт халталарини кассаланишида, шунингдек болалар овқатланишида тавсия қилинади.

Сариёғ ишлаб чиқаришнинг илмий асослари С.М. Кочергин, М.М.Казанский, Г.В. Твердохлеб, А.П. Белоусов, А.Д. Грищенко, Ф.А. Вқшемирский, Д.В. Качераускис ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари доирасида республикамизда ишлаб чиқарилаётган сариёғлар ассортиментини ўрганиш ва сифат экспертизасини ўтказиш масалалари аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Ишнинг мақсади Самарқанд шаҳридаги Муроджонсугт” МЧЖ мисолида сариёғлар ассортиментини ўрганиш ва сифат экспертизасини ўтказиш ҳисобланди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб битирув малакавий даражасидаги тадқиқотларимизда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- сариёғларни озиқавий ва биологик қийматини тахлил этиш;
- сариёғлар ассортиментини тахлил этиш;

- сариёғлар сифатини шаклланиши хусусиятларини белгилаш;
- Самарқанд шаҳридаги “Муроджонсұт” МЧЖ мисолида сариёғлар сифат экспертизасини үтказиш.

Тадқиқот обьекти: Самарқанд шаҳридаги “Муроджонсұт” МЧЖ ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: товар ва хизматлар истеъмолини глобаллашуви ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида замонавий овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш хизматларини амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ хизматларни тақдим этиш босқичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: Битирув малакавий иши доирасидаги тадқиқотлар давомида овқатланиш маҳсулотларини тадқиқот этишнинг бир қатор замонавий стандарт усулларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш таркиби: кириш, 4 та боб яъни биринчи бобда музқаймоқлар хусусиятлари яъни сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати, сариёғлар ассортиментини тахлили, сариёғлар сифатини шаклланиши хусусиятлари ёритилган, 2 бобда сариёғлар экспертизасини үтказиш усулларини моҳияти ёритилган, 3 бобда “Муроджонсұт” МЧЖ да үтказилған сариёғлар сифат экспертизасини натижалари келтирілған ва 4 бобда “Муроджонсұт” МЧЖ да персонал ҳаёт фаолияти ва хизматлар ҳавфсизлиги бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқылған. Ишнинг охирида хулоса ва таклифлар шакллантирилған ва фойдаланилған адабиётлар рўйхати келтирілған. Ишнинг хажми 76 бетлардан иборат.

I-БОБ.Сариёғлар хусусиятлари

1.1.Сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати

Сариёғ сигир сутидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ўзига ҳос таъм, хид ва пластик консистенцияга ($10-12^{\circ}\text{C}$ ҳароратда) эга бўлиб сут ёғидан иборат. Сариёғни компонентлари сут ёғи, сут оқсиллари, лактоза, фосфолипидлар, сув, минерал моддалар ва бошқалар ҳисобланади.

Сариёғ дисперс тизим ҳисобланиб унинг сифат кўрсаткичлари структурани барқарорлиги ва доимийлигини таъминловчи қовушқоқлик, пластиклик, ёғ ва намлик ушлаш қобилияти қаби кўрсаткичлар билан белгиланади. Сариёғни истеъмол кўрсаткичлари компонентлар таркиби, хом ашё сифати ва ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ. Сариёғ турларидаги асосий компонентларни миқдори турлича бўлиб ёғ 50-82,5 %, сув 16-42 % ни ва қолган қисмини қуруқ ёғсиз сут қолдиги ташкил қиласди. Сариёғ компонентларини белгиланган тартибига риоя қилиниши давлат стандартлари билан кафолатланади.

Сариёғ таркибини назорат қилиш ундаги ёғ ва намлик миқдори бўйича амалга оширилади. Намлик миқдорини стандартда белгиланганидан 0,2 % га оширишга ёки ундаги ёғ миқдорини тегишлича пасайтиришга йўл қўйилмайди. Баъзи сариёғ турларида сут ёғини бошқа ёғлар билан алмаштирилишига давлат стандартлари томонидан рухсат берилади.

Сариёғ структурасини шаклланишида қаттиқ (ёғ), суюқ (ёғ ва сувли эритмалар), газсимон (хаво) ва коллоид (оқсил) агрегат холатларида бўлган моддалар иштирок этади. Сариёғни сақлашда унинг структураси, чидамлилиги, сифатига сув томчиларини тақсимланиш бир жинслилиги ва ўлчамлари, хаво пуфакчаларини ўлчамлари ва бошқалар таъсир қиласди. Структура сариёғ консистенциясини яхши, пластик ёки уваланадиган қатламли, иссиқликга чидамсиз ва бошқача бўлишини белгилайди.

Консистенция нүкsonлари сариёғни товар күрсаткичларин пасайтирган ҳолда уни физиологик ва озиқавий қийматига таъсир қилмайды.

Сариёғни таъм берувчи компонентлари диацетил, қисқа углерод занжирли учувчан ёғ кислоталари, ёғ кислоталарини баъзи эфирлари, лецитин, оқсил, ёғлар, сут кислотаси ҳисобланади. Улар биргаликда сариёғга ўзига хос ёқимли таъм ва хид бағишлайди. Хом ашё таркибидаги каротин сариёғга ёқимли сарғиш ранг беради. Каротин миқдорига боғлик ҳолда сариёғ тўқ сариқ ёки оч сариқ, баъзи ҳолларда эса деярли оқ рангда бўлиши мумкин. Сариёғни бўяш учун унинг массасига нисбатан 0,08-0,1 % миқдорда микробиологик каротин солинишига йўл қўйилади.

Сариёғни асосий компонентлари ёғ ва сут плазмаси ҳисобланади. Плазмани таркибий қисми-қуруқ ёғсиз сут қолдиғи (ҚЁСҚ), сут ёғидан ташқари сариёғни барча қуруқ моддаларини қамраб олади ($\text{ҚЁСҚ}=100 - (\text{ёғ} + \text{сув})$). Сариёғдаги ҚЁСҚ миқдори сут ёғини меъёрий сарф кўрсаткичини белгилайди. Сариёғда ҚЁСҚни стандарт намлик миқдорида меъёридан пасайиши сут ёғи сарфини оширади (меъёридан юқори). ҚЁСҚни сариёғдаги миқдори ишлаб чиқариш усулига ва ишлаб чиқарилаётган сариёғ турига боғлик бўлиб анъанавий технологиядан фойдаланилганда плазмани 8-10 %ни ташкил этади. ҚЁСҚни сариёғдаги фактик миқдори йил мавсуми ва фойдаланилаётган технологик жихозга боғлик ҳолда ўзгаради.

Махсулотни озиқавий қиймати унинг кимёвий таркибини катта ёшдаги одамни оқилона овқатланиш формуласига мослиги билан белгиланиши маълум. Организмни озиқавий моддаларга бўлган эхтиёжини тўлиқроқ қондирадиган, кимёвий таркиби эса оқилона овқатланиш формуласига қўпроқ мос келадиган махсулотни озиқавий қиймати ҳам шунча юқори бўлади.

Сариёғни озиқавий қиймати уни кимёвий таркиби билан, авваламбор организмни энергетик харажатларини қопладиган сут ёғини мавжуд бўлиши билан белгиланади.

Сариёф организмда алмаштирилмайдыган аминокислоталар ва бошқа органик моддаларни синтез қилишда фойдаланиладыган витаминлар ва ёғ кислоталари манбаи ҳисобланады. Ёғ кислоталарини миқдори бошқа озиқавий ёғларга нисбатан сут ёғида анча юқори. Сариёғда түйинган ёғ кислоталарини түйинмаганларига нисбати 0,4:0,6 ни, эркин ёғ кислоталарини миқдори эса 0,26-0,42 %ни ташкил қилади.

Сариёғни озиқавий қиймати сут ёғидаги түйинмаган ёғ кислоталарининг (линол (~3,2 %), линолен (~0,7 %) ва арахидон (~0,2 %)) миқдори билан белгиланады, улар хужайрадаги моддалар алмашинувида иштирок этади ва антисклеротик таъсирга эга. Ушбу ёғ кислоталарининг биологик жараёнлардаги юқори фаоллиги уларда құш боғларни мавжуд бўлиши билан изохланади. Түйинмаган ёғ кислоталарини нормал углевод-ёғ алмашинувини таъминлашда, организмда кечадиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини ростлашда ва холестерин алмашинувини нормаллаштиришда аҳамияти катта.

Сариёғни озиқавий қийматини ёғ шарчалари қобиғи билан келиб тушадыган фосфолипидлар, хусусан лецитин оширади. Улар оқсил билан биргаликда одам организми хужайралари мембраннынин қуришда иштирок этади. Фосфатидлар асаб хужайраларини миelin қобиғи таркибиға кирадилар, ферментларни ажралмас компоненти ҳисобланади ва асаб зўриқишиларида уларга бўлган эҳтиёж кескин ошади.

Сариёғни биологик қиймати унда минерал моддаларни, лактоза, сув ва ёғда эрувчи витаминларни мавжуд бўлиши эвазига ошади. Сариёғда А, Е, В, В₂, С, Д, в-каротин ва бошқа витаминлар мавжуд.

Сариёғда мавжуд бўлган лецитин ва холестерин муҳим аҳамиятга эга. Холестерин сафро (ўт) кислоталарининг хосил бўлишидаги бошланғич модда ҳисобланади. У буйрак усти ва жинсий гормонлар хосил бўлишида иштирок этади, қон таначаларига нисбатан ҳимоя таъсирини бажаради ва бошқалар. Фосфолипидлар, шу жумладан лецитин ва холестерин ўртасидаги

нисбат одам қонида тахминан 1:1. Сариёғда холестерин миқдори 200-240 мг%, лецитин эса 200 мг% дан озгина юқори.

Организмдаги холестерин алмашинуви лецитинни мавжуд бўлиши ростланадики, унинг сут ва қаймоқдаги миқдори холестеринга нисбатан бирмунча юқори. Аммо, қаймоқни кувлаш усули билан ишлаб чиқариладиган сариёғда лецитинни анча миқдори айрон билан йўқотилади ва бу эса холестерин-лецитин биологик мувозанатини бузилишига олиб келади. Сариёғ юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида ишлаб чиқарилганида сариёғда анча миқдорда лецитин сақланиб қолинади ва у пархез хусусиятларга эга бўлади.

Сариёғда тўйинмаган ёғ кислоталари, фосфолипидлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқа озиқавий моддаларни миқдори асосан йил вақтига, географик зонага, ишлаб чиқариш усули ва режимларига, сариёғ турига боғлик бўлади. Витаминлар миқдори кузги-бахорий даврда жуда пасаяди. Шунинг учун сариёғни в-каротин билан алмаштириш мақсадга мувофиқки, у айни бир пайтда сариёғни ташқи кўринишини (сариёғ ёқимли сариқ рангга эга бўлади) яхшилайди ва сақлаш пайтидаги чидамлилиги ошади.

Сариёғ паст эриш ($27\text{-}34^{\circ}\text{C}$) ва қотиш ($18\text{-}23^{\circ}\text{C}$) ҳароратларига эга бўлганлиги сабабли овқат хазм қилиш трактида хазм бўлиши учун қулай суюқ холатга ўтади. Бу эса сут ёғини устунлиги ҳисобланади. Шунинг учун сариёғ овқат хазм қилиш органларини функционал бузилишлари, аввало жигар, ўт халталарини кассаланишида, шунингдек болалар овқатланишида тавсия қилинади.

Сариёғ асосан сут ёғидан (50 % дан юқори) иборат бўлган ҳолда, натурал ҳолда истеъмол қилишга мўлжалланган (тавсия қилинадиган) ягона ёғли маҳсулот ҳисобланади. Сариёғни бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўсимлик мойлари ўртасидаги ўзига ҳослиги уни органолептик кўрсаткичлари (таъми, хиди, ранги, консистенцияси) комплекси, озиқавий ва

биологик тұлақонлиги билан тушунтирилади. Сариёғ ёқимли сарық рангга эга бўлиб бу унга ўзига жалб қиладиган ташқи кўриниш беради.

Сариёғ таъми ва хиди бўйича кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари хазм бўлишини ошириб улар билан яхши уйғунлашади. Сариёғни аралаш овқатлнишдаги хазм бўлиши юқори бўлиб сут ёғини хазм бўлиши 97 % ни, қуруқ моддалар хазм бўлиши эса 94,1 %ни ташкил қилади. Сариёғни энергетик қиймати 20-37,6 мДж/кг.

Истеъмолчилар сариёғни ўзига ҳос антиқа ва алмаштириб бўлмайдиган маҳсулот эканлигини ҳисобга олишлари ва уни фақат натурал ҳолда истеъмол қилишлари лозим. қовуриш учун эса бу мақсадларга маҳсус мўлжалланган хайвон ва ўсимлик ёғларини ишлатишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

1.2. Сариёғлар сифатига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқариладиган сигир сариёғи ассортименти жуда турли туман. Сигир сариёғи OzDSt 2771:2013 бўйича, шоколадли сариёғ эса ГОСТ 6822-67 бўйича ишлаб чиқарилади. OzDSt 2771:2013 бўйича сигир сариёғи фойдаланиладиган хом ашё, ёғни массавий улуши, ош тузини массавий улушига боғлиқ ҳолда қуйидаги турларда ишлаб чиқарилади:

- анъанавий тузланмаган ширин сариёғ;
- тузланган ширин сариёғ;
- тузланмаган нордон сариёғ;
- тузланган нордон сариёғ;
- тузланмаган ширин ҳаваскор сариёғи;
- тузланган ширин ҳаваскор сариёғи;
- тузланмаган нордон ҳаваскор сариёғи;
- тузланган нордон ҳаваскор сариёғи;
- тузланмаган ширин дехқонча сариёғи;
- тузланган ширин дехқонча сариёғи;
- тузланмаган нордон дехқонча сариёғи;

-ёғни массавий улуши 99,0 % дан кам бўлмаган пиширилган сариёғ.

Органолептик кўрсаткичлари бўйича сигир сариёғи ва шоколадли сариёғ 1-жадвалда кўрсатилган талабларга мос келиши керак. Физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича сариёғ 2-жадвалда кўрсатилган талабларга жавоб берини лозим.

1-жадвал

Сариёғни органолептик кўрсаткичлари

| Кўрсаткич номи | Тавсифи |
|----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ташқи кўриниши ва консистенцияси | Бир жинсли, пластик, зич, кесилган сариёғ юзаси қуруқ ёки унда сувни ўта майдада томчилари мавжуд бўлади. Кучсиз увалувчанлик ва консистенциясини бўш бўлишига йўл қўйилади. Пиширилган сариёғ 12 ± 2 °C хароратда зич, гомоген ёки донадор, эритилган ҳолида эса чўкмаларсиз тиник бўлади. Донадор ҳолатида етарлича бир жинсли бўлмаслигига, суркалувчан, суюқ ёғни мавжуд бўлишига, гомоген ҳолатида эса унсимон, юмшоқ бўлишига йўл қўйилади. Шоколадли сариёғ учун зич, бир жинсли, пластик, кесимида сув томчилари кўринмайди |
| Таъми ва хиди | Сариёғга хос тоза, ўзга таъм ва ҳидларсиз бўлиб ширина сариёғ учун пастерланган қаймоқ таъми хос ёки хос бўлмаслиги, нордон сариёғ учун сут кислотали таъм ва хид, тузланган сариёғ учун эса ўртача шўр таъм хос бўлиши мумкин. Пиширилган сариёғ пиширилган сут ёғига хос таъм ва ҳидларга эга бўлиб, унда ўзга таъм ва ҳидлар бўлмаслиги керак. Пиширилган ёғни етарлича яққол намоён бўлган таъмини бўлмаслигига рухсат берилади. Шоколадли сариёғ учун ширина, шоколад ва ванилиннинг кучли сезилувчан таъми ва хушбўйлиги хос бўлиб, ўзга таъм ва ҳидлар йўқ |
| Ранги | Сигир сариёғи учун массаси бўйича бир хил ёрқин сарикдан сарикгача бўлган ранг хос. Шоколадли сариёғ учун сариёғ массаси бўйича бир хил шоколадли ранг хос |

Сариёғнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Махсулот | Ёғлиги , %, кам эмас | Намлиги, % , кўп эмас | Ош тузи, %, кўп эмас | Сахароза %, кам эмас | Какао, %, кам эмас |
|---------------------------------|-------------------------------|-----------------------------|----------------------------|----------------------------|-----------------------|
| OzDSt 2771:2013 “Сигир сариёғи” | | | | | |
| Анъянавий ширин сариёғ | | | | | |
| Тузланмаган | 82,5 | 16,0 | - | - | - |
| Тузланган | 82,5 | 15,0 | 1,0 | - | - |
| Нордон сариёғ | | | | | |
| Тузланмаган | 82,5 | 16,0 | - | - | - |
| Тузланган | 82,5 | 15,0 | 1,0 | - | - |
| Ширин ҳаваскор сариёғи | | | | | |
| Тузланмаган | 78,0 | 20,0 | - | - | - |
| Тузланган | 78,0 | 19,0 | 1,0 | - | - |
| Нордон ҳаваскор сариёғи | | | | | |
| Тузланмаган | 78,0 | 20,0 | - | - | - |
| Тузланган | 78,0 | 19,0 | 1,0 | - | - |
| Ширин дехқонча сариёғи | | | | | |
| Тузланмаган | 72,5 | 25,0 | - | - | - |
| Тузланган | 72,5 | 24,0 | 1,0 | - | - |
| Пиширилган сариёғ | 99,0 | 0,7 | - | - | - |
| ГОСТ 6822-67 “Шоколадли сариёғ” | | | | | |
| Шоколадли сариёғ | 62,0 | 16,0 | - | 18,0 | 2,5 |

Сариёғ ишлаб чиқаришда сут ва қаймоқ ишлатилади. Энг сифатли сариёғ корхонани ўзида олинган қаймоқдан ишлаб чиқарилади. Сариёғга қайта ишланадиган сутга қўйиладиган талаблар ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” стандартида белгиланган.

Сариёғ ишлаб чиқаришда сутга стандарт талаблар билан бир қаторда ундаги ёғ миқдори, сут ёғини кимёвий таркиби бўйича ўзига хос талаблар қўйилади. Сариёғ ишлаб чиқариш учун ёғлиги юқори бўлган сутни жўнатилиши мақсаддага мувофиқдир. Сариёғ ишлаб чиқариш технологик режимларига сут ёғини кимёвий таркиби хам таъсир қиласади. Сут ёғидаги турли ёғ кислоталарини миқдоридан сариёғни эриш ва қотиш хароратлари боғлик бўлади.

Органолептик, физико-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича сариёғ ишлаб чиқаришга йўналтириладиган қаймоқ икки навга

бўлинади. Хар бир навдаги қаймоқ З-жадвалда келтирилган талабларга жавоб бериши лозим.

З-жадвал

Қаймоқ навлари

| Кўрсаткичлар | Қаймоқ навлари | |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | I | II |
| Таъми ва хиди | Тоза, янги, озгина ширинрок, бегона таъм ва хидларсиз, пастерланган қаймоқ учун пастерланган таъм хос | Тоза, янги, озгина ширинроқ, кучсиз ем таъми ва хиди мавжуд бўлишига йўл қўйилади, пастерланган қаймоқ учун пастерланган таъм хос |
| Консистенцияси | Механик қўшилмаларсиз, ёғ тўпламларизиз, оқсил чўқмаларисиз, бир жинсли | Механик қўшилмаларсиз, бир жинсли. Алохидада ёғ тўпламларини мажуд бўлишига йўл қўйилади. |
| Ранги | Массаси бўйича бир хил оқ, кремсимон | |
| Ёғлиги, % | 27-55 | |
| Кислоталиги, ⁰ T | 18-10 | |
| Қаймоқ ёғлигига боғлиқ холда уни кислоталиги 27-35 % | 14-15 | 17-18 |
| 36-45 % | 12-14 | 15-17 |
| 46-55 % | 10-11 | 12-13 |
| Қайнатиш, хлоркальцийли ва алкогол намуналари бўйича қаймоқни иссиқликка чидамлилиги | Оқсил чўқмалари йўқ | Алохидада оқсил чўқмалари мавжуд бўлади |
| Редуктаза намунаси бўйича бактериал ифлосланганлиги, класс, паст эмас | I | II |
| Корхонада қабул қилингандаги харорати, ⁰ C, юқори эмас | 10 | 10 |

Сариёф ишлаб чиқаришда ГОСТ 13264-88 бўйича тайёрланадиган сигир сутидан ташқари қуидаги хом ашё ва асосий материаллар ҳам ишлатилади:

- ГОСТ 13264-88 бўйича тайёрланадиган сутни сепаратлаш йўли билан олинадиган, кислоталиги 18°C дан ортиқ бўлмаган ва зичлиги $1030 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан паст бўлмаган ўзга таъм ва хидларсиз ёғсиз сут;
- ГОСТ 13277-79 бўйича пастерланган сут;
- OzDSt 1083:2011 бўйича ичимлик сути;
- TSh 49-213 бўйича сигир сутидан олинадиган қаймоқ;
- OzDSt 352:2006 бўйича қаймоқ;
- Технологик йўриқнома талабига кўра сигир сариёғи ва қаймоқ;
- OzDSt 1091 бўйича йодланган озуқавий ош тузи;
- хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фойдаланишга рухсат берилган в - каротин;
- бутилгидрокситолуол (Е 321) антиоксидловчиси;
- OzDSt 950 бўйича ичимлик суви;
- кислоталиги 17°C дан юқори бўлмаган ширин сариёф ишлаб чиқаришда олинган айрон;
- ГОСТ 31361 бўйича шакар;
- ГОСТ 108 бўйича какао кукуни.

Сариёф истеъмол ва транспорт тараларига қадоқланиши керак. Сариёф ГОСТ 1341 бўйича В маркали пергамент қофози, кашарланган алюмин фолгаси, иссиқлик таъсирида кичрайдиган пленкаларга ўралган холда нетто массаси 10,0 - 1000 г (шоколадли сариёф учун нетто массаси 100, 200, 250, 500 г) бўлган брикетларга ёки полимер материаллардан тайёрланган стаканчалар ва қутичаларга қадоқланади. Стаканчалар, қутичалар ва банкалар турли шаклда бўлиб улар: ечиладиган қопқоқ ва термокавшарланадиган қатламга эга бўлиши; ечиладиган қопқофисиз, аммо термокавшарланадиган қатламли; термокавшарланадиган қатламисиз, аммо ечиладиган қопқоғга эга бўлиши мумкин.

Сариёғ транспорт тарасига, яъни ГОСТ 13515 бўйича нетто массаси 5,0-20 кг дан елимланган текис тара картондан тайёрланган қутиларга зич монолит кўринишида қадоқланади. Ўрама материали сариёғ монолитини барча томонларидан ёпиши лозим.

Истеъмол идишига жойланган сариёғ ГОСТ 13512, ГОСТ 13513 ва ГОСТ 13515 бўйича картондан тайёрланган қутиларга (брутто массаси 20 кг ошмаслиги лозим) тахланади. Картон қутилар ГОСТ 18251 бўйича қофоз асосидаги елим тасма билан ёки ГОСТ 20477 бўйича полимер тасма билан юпқа қаватда ёпиштирилади. Ҳар бир қадоқ бирлигига бир тур ва бир санада ишлаб чиқарилган сариёғ жойлаштирилади.

Истеъмол тарасининг хар бир жойлаш бирлигига босмахона усулида, офсет муҳр билан ГОСТ 11826 бўйича ювилиб кетмайдиган бўёқ билан ахборот белгилари кўрсатилган ҳолда тамға босилиши керак. Маълум маълумотларни (46-чи мавзуга қаралсин) кўрсатган ҳолда транспорт тарасини тамғаси тарани ён томонларини бирига ювилмайдиган бўёқ билан муҳр, андоза, ёрликни елимлаш ёрдамида босилади ёки ҳар тара бирлигига суқма варақ солиниши ёки ёрлик осилиши керак

Сариёғ махсус транспорт воситаларида ушбу транспорт тури учун амалда бўлган тез бузиладиган юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ ташилади. Сариёғни қуидаги шароитларда сақлаш тавсия этилади:

-режим: хаво харорати 3 ± 2 $^{\circ}\text{C}$ ва хавони нисбий намлиги 90% дан юқори эмас;

-режим: хаво харорати 6 ± 3 $^{\circ}\text{C}$ ва хавони нисбий намлиги 90% дан юқори эмас;

-режим: хаво харорати 16 ± 2 $^{\circ}\text{C}$ ва хавони нисбий намлиги 80-90%.

Шоколадли сариёғни истеъмол идишларида сақлаш минус 3 $^{\circ}\text{C}$ дан баланд бўлмаган хароратларда ва хавони нисбий намлиги 80 % дан юқори бўлмаган шароитларда амалга оширилади. Қадоқлаш санасидан бошлаб шоколадли сариёғни сақлаш муддатлари пергаментга ўралганида 10 кундан, алюмин кашарланган фолгага ўралганида эса 20 кундан ошмаслиги керак.

1.3. Сариёғлар сифатини шаклланиши

Хозирги пайтда сариёғ ишлаб чиқаришнинг иккита принципиал фарқли усуллари мавжуд:

-олдиндан тайёрланган қаймоқни (ёғлиги 28-45 %, баъзи холларда 55 % гача) даврий (анъанавий схема) ва узлуксиз ишловчи сариёғ тайёрлагичларда кувлаш;

-юқори ёғли қаймоқни маҳсус аппаратлар – сариёғ хосил қилгичларда сариёғга ўзгартириш.


Қаймоқни кувлаш усулида технологик жараён қуидаги босқичлардан иборат бўлади: сутни қабул қилиш, унга бирламчи ишлов бериш ва қаймоқ олиш; қаймоқни пастерлаш ва паст ҳароратли ишлов бериш; қаймоқни кувлаш, ёғ қумоқларини ювиш, ёғга механик ишлов бериш; сариёғни қадоклаш, ўраш, жўнатиш ва сақлаш.

Сариёғни кувлаш усулида ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш цикли бир кунни ташкил қиласди. Даврий ишловчи сариёғ тайёрлагичлардан фойдаланилганда технологик жараён даврий амалга ошириладиган алоҳида технологик операциялардан (қаймоқни етилиши, уларни кувлаш, ёғ қумоқларига ишлов бериш) иборат бўлади. Узлуксиз ишловчи сариёғ тайёрлагичлар ишлатилганда қаймоқни кувлаш, ёғ қумоқларига механик ишлов бериш (2 ва 3 босқичлар) узлуксиз оқимда 3-5 мин давомида амалга оширилади. Айни вактда ушбу операциялар узлукли сариёғ тайёрлагичларда 50-90 мин давом этади. Аммо, бу технологияни ўзгартирмайди ва амалий жихатдан ишлаб чиқаришни тезлаштирмайди.

Сариёғни юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида ишлаб чиқариш технологик жараёни маълум кетма-кетликда амалга ошириладиган операциялардан иборат (1-расм). Сариёғни юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш циклини давомийлиги 60-90 миндавом этади. Бунда юқори ёғли қаймоқни сариёғга ўзгартириш узлуксиз оқимда амалга ошириладики, маҳсулот сариёғ хосил қилгичда 3-4 мин

давомида бўлади. Бунда ёғ эмулсиясини деэмульгираш глицеридларни кристалланишидан олдин амалга оширилади.

Сариёғ плазмаси ва айрон таркибини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Кувлаш усулида қаймоқни етилтириш пайтида ёғ шарчаларининг қобиқ моддаларини инактивация қилиниши ва айронга ўтиши кузатилади. Бир вақтни ўзида айронга анча микдордаги фосфолипидлар, жумладан лецитин ўтадики, бу ушбу моддаларни сариёғдаги микдорини пасайтиради.



Расм 1. Сариёғни юқори ёғли қаймоқни ўзгартриши усулида ишлаб чиқариш технологик операциялари

Сариёғни юқори ёғли қаймоқни ўзгартриши усулида ишлаб чиқаришда ушбу моддалар сариёғда тўлиқ сақланиб қолинади. Бу эса плазма кимёвий таркиби ва сариёғ таъми ва хидига таъсир қиласи.

Қаймоқни кувлаш усулида ишлаб чиқарилган сариёғни ўзига хос хусусиятлари уни структурасини етарли даражада мустахкам эмаслиги ва

монолитни бўшлиги, иссиқликга чидамлилигини эса яхши бўлиши хисобланади. Юқори ёғли қаймоқдан олинган сариёғни таъми ва хиди яхши намоён бўлган бўлиб консистенцияси зич, пластик, иссиқликга чидамлилиги эса нисбатан паст. Сариёғ технологияси ва компонентлари таркибини фарқланиши уни структураси ва физик-кимёвий хусусиятларига (қатиқлиги, структурасини тикланиши, ёғ фазасини холати ва бошқалар) сезиларли таъсир қиласи.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб сариёғни кувлаш усулида ишлаб чиқарилишини кенг тарқалганлиги ва “Муроджонсугт” МЧЖда ҳам айнан ушбу усулни қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда қўйида сариёғ сифатини шакланиши жихатлари кувлаш усули доирасида таҳлил қилинади.

Сутни қабул қилиш, унга бирламчи ишлов бериш ва қаймоқ олиш. Сариёғ ишлаб чиқаришда, вологод сариёғидан ташқари, ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” стандарти талаблари ва ветеринария-санитария қоидаларига жавоб берувчи сут ишлатилади.

Хом сигир сути инфекцион касалликлар хавфи бўлмаган хўжаликларда соғлом ҳайвонлардан олинган бўлиши керак.

Корхонага келиб тушаётган сутни ҳарорати 10^0 Сдан юқори бўлмаслиги лозим. Сут оқ ёки кучсиз кремсимон рангда бўлиши, оқсил чўқмаларидан озод ва табиий бўлиши керак. Сутда ингибация, консервация ва нейтралловчи моддалар, оғир метал тузлари бўлмаслиги лозим, шунингдек зичлиги $1027 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан паст бўлмаслиги керак.

Сут 4-жадвалга мувофиқ олий, биринчи ва иккинчи навларга бўлинади.

4-жадвал

Тайёрланадиган сутни меъёрланадиган кўрсаткичлари

| Кўрсаткич | Олий нав | Биринчи нав | Иккинчи нав |
|---------------|-------------------------------------|-------------|--------------------------------------------------------------------|
| Таъми ва ҳиди | Сутга хос, бегона таъм ва хидларсиз | | Қишиги-баҳорий йил вақтида кучсиз ем таъми ва ҳиди мавжуд бўлишига |

| | | | қўл қўйилади |
|---------------------------------------------------------------|----------|------------------|-------------------|
| Кислоталиги, °Т | 16-18 | 16-18 | 16-20 |
| Тозалик даражаси, гурухдан паст эмас | I | I | II |
| Бактериал ифлосланганлиги, минг/см ³ | 300 гача | 300 дан 500 гача | 500 дан 4000 гача |
| Соматик ҳужайралар миқдори, минг/см ³ , ортиқ эмас | 500 | 1000 | 1000 |

1 мл да 1,0 млн ортиқ соматик ҳужайраларга эга бўлган сут сариёғ ишлаб чиқариш учун яроқсиз ҳисобланади.

Сутни қабул қилиш уни миқдорини аниқлаш, сифатини назорат қилиш ва навларга бўлишдан иборатдир. Корхонага келиб тушаётган сутни ҳар бир партияси назорат қилиниши керак.

Сутни партияси дейилганда бир жинсли идишда, бир вақтда, битта жўнатиш ҳужжати билан расмийлаштирилган бир навдаги сут тушунилади.

Сутни қабул қилиш қўйидаги операцияларни қамраб олади:

- жўнатиш ҳужжатларини текшириш;
- идишни кўздан кечириш;
- сутни органолептик баҳолаш;
- сут ҳароратини ўлчаш;
- сут кислоталигини аниқлаш;
- таҳлил учун намуналар олиш;
- сутни физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш ва навларга бўлиш;
- ҳужжатларни расмийлаштириш.

Идишни кўздан кечиришда ҳар бир қадоқланган бирликдаги идиш тозалиги, пломба бутунлиги, флягаларда резинали гардишларни мавжудлиги назорат қилинади.

Ҳар бир флягадаги сут аралаштирилгандан кейин таъми, ҳиди, ранги, консистенцияси каби органолептик кўрсаткичлари аниқланади.

Сутни таъмини баҳолаш қайнатилган намунада амалга оширилади. Сут ҳидини баҳолаш учун 10-20 мл миқдордаги сутни сувли ҳаммолда 35°C ҳароратгача иситиш тавсия этилади.

Ҳароратни ўлчаш ҳар бир партиядаги 2-3 та флягаларда қобиққа эга бўлган суюқликли (симобсиз) термометрлар (ўлчаш чегараси 0-50 ёки 0- 100°C) билан уни пастки рақамланган белгисигача сутга 2 мин давомида тушириш йўли билан аниқланади.

Тозалиқ, кислоталиқ, зичлик, ёғ миқдори, соматик ҳужайралар миқдорини аниқлаш, микробиологик таҳлилларни амалга ошириш учун сут намуналарини олиш ва уларни таҳлилга тайёрлаш ГОСТ 13928-84, ГОСТ 9225-84, ГОСТ 23453-79 бўйича амалга оширилади.

Корхонага келиб тушаётган ҳар бир сут партияси назорат қилинади. Партиядаги ҳар флягадаги сут аралаштрилгандан кейин намуна олгич (ички диаметри 9 та бўлган метал ёки пластмассали трубка) ёрдамида нуктали намуналар олиниб идишга жойлаштирилади, аралаштирилади ва ҳажми 1,0 дм³ бўлган бирлаштирилган намуна тузилади. Бирлаштирилган намуна аралаштирилади ва ундан таҳлил учун мўлжалланган 0,5 дм³ намуна ажратиб олинади. Сут намуналарини физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлилга тайёрлашда улар аралаштирилиб $20\pm2^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача иситилиши ёки совитилиши лозим. Сут сифатини аниқлаш ГОСТ 5867-69, ГОСТ 3624-67, ГОСТ 3625-84, ГОСТ 8218-56, ГОСТ 9225-84, ГОСТ 23454-79, ГОСТ 24065-80, ГОСТ 24066-80 бўйича амалга оширилади.

Умумий бактериялар миқдори, ингибация қилувчи моддалар, соматик ҳужайралар миқдорини аниқлаш натижалари навбатдаги таҳлиллар амалга ошириладиган давргача амал қиласи.

Агар сут фальсификация қилинган деб гумон қилинса, у ҳолда у натураллигига текширишлиши лозим.

Қабул қилинган сут миқдорини аниқлаш намуна олиниб сутни навлари белгилангандан кейин амалга оширилади. Сутни массаси тарозиларда

тортиш йўли билан аниқланади. Сут тарозиларга берилиши олдидан пахтали, лавсанли ва бошқа материаллардан фойдаланилиб фильтрланиши керак.

Қабул қилинган сут фильтрлар ёки сепаратор сут тозалагичларда кирлардан тозалангандан кейин $4-6^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача совутилиб бирламчи ишловдан ўтказилиши ва сақлаш идишларига жўнатилади. Хом сутни 4°C да 18-20 соат сақлаш мумкин.

Сутни сепарациялаш ва қаймоқ олиш сариёғ олишдаги асосий технологик жараёнлар ҳисобланиб сепаратор қаймоқ ажратгичларда амалга оширилади. Сепарацияни моҳияти марказдан қочма куч таъсири остида сутни қаймоқ (сутни ёғли фазаси) ва ёғсиз сут (сут плазмаси)га ажратишдан иборат. Ёғ шарчаларини ажралиш тезлиги сепаратор барабанини айланиш частотаси ва сепаратор тарелкаси радиусига, ёғ шарчалари ўлчамига тўғри пропарционал ва сут қовушқоқлигига тескари пропарционалдир. Ўз навбатида сутни қовушқоқлиги ҳароратга боғлик бўлиб, ҳарорат қанчалик юқори бўлса сепарация шароити ва ёғсизланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, ёғсизланириш сифатига сепарация қилинаётган сут ва олинаётган қаймоқдаги ёғ микдори, сутни сепараторга берилиши интенсивлиги, йил вақти, сутни тозалиги, кислоталиги ва бошқа омиллар ҳам таъсир қиласи.

Шунинг учун сепарациялашда қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиниши керак:

- сепараторни техник созлиги ва асосда тўғри ўрнатилганлиги;
- ишга тушириш олдидан сепараторни, айниқа уни барабанини тўғри ийғилганлигини, картерида мой борлигини пухта текшириш;
- ишга тушириш олдидан барабанни тормоздан бўшатиш;
- айланишлар счётчиги кўрсатишларини сепараторни паспорт маълумотларига мослигини таъминлаш;
- барабан нормал айланиш частотасига эришгач, у орқали ҳарорати $50-60^{\circ}\text{C}$ бўлган унчалик кўп микдорда бўлмаган сувни кейин эса сутни ўтказиш;

- сутни сепарациялашда уни ҳарорати 35-40⁰С бўлиши ва кислоталиги 20⁰Тдан ошмаслиги лозим;
 - ёғсиз сутдаги ёғ миқдори белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак. Тўғри сепарациялашда ёғсиз сут ёғлиги 0,03-0,01%ни ташкил этади. Ёғсиз сутдаги йўл қўйиладиган ёғлик 0,05%дан ошмаслиги керак;
 - сепараторни тўхтатишдан олдин уни барабанига қаймоқни сиқиб чиқариш учун ёғсиз сут ёки илиқ сув бериш;
 - сепараторни қисмларга ажратиш, ювиш ва йиғиш ишлатиш йўриқномасига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши.

Сепарациялаш пайтида олинаётган қаймоқ ёғлиги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Сариёғ қаймоқни узлукли сариёғ тайёрлагичларда кувлаш усули билан ишлаб чиқарилганда қаймоқни ёғлиги 32-37% ни ташкил этиши лозим.

Корхона шароитида олинган қаймоқ сариёғ ишлаб чиқаришга берилиши, у ерда эса зудлик билан иссиқлик ишлов берилишидан ўтказилиши ва етилтириш ҳароратигача совутилиши керак.

Органолептик, физико-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича қаймоқ 2-жадвалда келтирилган талабларга жавоб берishi лозим.

Қаймоқни пастерлаш ва паст ҳароратли ишлов бериш. Қаймоқка иссиқлик ва вакуум ишлов берилиши қаймоқни турли таъм ва ҳид нуқсонларини тўлиқ ёки қисман бартараф этиб юқори сифатли сариёғ ишлаб чиқарилишини кафолатлади.

Қаймоқни пастерлаш патоген микроорганизмларни тўлиқ, қолган барча микрофлораларни максимал ўлдириш, маҳсулот бузилишини тезлаштирувчи ферментларни инактивация қилиш имконини беради.

Пастеризация самарадорлиги (%да) иситиш ҳароратини ва қаймоқни ушбу ҳароратда сақлаш муддатини тўғри таъминланиши билан белгиланади.

Пастеризация ҳароратини танлашда уни микрофлора, бактериал липаза ва пероксидазага таъсири ҳисобга олинадики, уларни тўлиқ йўқотилиши

қаймоқ 85^0C да сақламасдан иситилганда кузатилади. Шунинг учун қаймоқни пастерлаш ҳарорати бу чегарадан паст бўлишига йўл қўйилмайди.

Пастеризация режимларини танлаш бошланғич қаймоқ сифати (кислоталиги, бегон таъм ва ҳидларни мавжуд бўлиши) ва ишлаб чиқарилаётган сариёғ турига боғлиқ бўлади. Ширин сариёғ ишлаб чиқарилганда I навли қаймоқ ёзги даврда $85\text{-}90^0\text{C}$ ҳароратда пастерланади. Киш пайтида қаймоқ қайта ишланганида пастерлаш ҳарорати $92\text{-}95^0\text{C}$ гача оширилади.

Корхонада қаймоқни пастерлаш учун трубкали пастеризаторлар ишлатилади. Пастерлаш самардорлиги ўлдирилган микроорганизмлар микдорини бошланғич хом қаймоқдаги микроорганизмлар микдорига бўлган нисбати билан ифодаланади ва у $90,5\text{-}99,9\%$ дан паст бўлмаслиги лозим. Пастеризация самарадорлиги қаймоқдаги ёғ микдори ошганда, қаймоқни бошланғич юқори бактериал ифлосланганлигига, қаймоқда кир, кўпик ва ёғ тўпламлари мавжуд бўлганида пасаяди. Шунинг учун пастеризаторга берилиши олдидан қаймоқ яхши тозаланиши ва минимал бактериал ифлосланганликка эга бўлиши керак.

Пастеризация қаймоқни таркиби ва хусусиятларига, физико-кимёвий хусусиятларига ва хушбўй таъм берувчи моддаларни ўзгаришига таъсир қиласди. Пастеризация қаймоқни ёғ эмульсияси дестабиллигини, ёғ шарчаларини ўртacha диаметрини оширади. Иссиқлик таъсирида оқсил заррачаларини структуравий ўзгаришлари даражаси ва дисперслиги ўзгаради. Иситиш пайтида казеиннинг полимеризацияланиши натижасида унинг молекуляр массасини ошиши, зардоб оқсилларини чўкмага тушиши кузатилади. Пастерлаш пайтида қаймоқдаги витаминларни қисман бузилиши, қаймоқ плазмасидаги туз баллансини ва қаймоқ газ фазасини ўзгариши кузатилади.

Қаймоққа иссиқлик ишлов берилиши сариёғ структурасини ва уни физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсир қиласди. Қаймоқни пастерлаш ҳароратини 85 дан $96\text{-}98^0\text{C}$ гача оширилиши сариёғ мустаҳкамлиги ва

эластиклигини, оқиб чиқадиган эркин ёғ миқдорини пасайтиради. Юқори ҳароратда пастерланган қаймоқни совутиш тезлиги оширилганда унда ёғни қотиш даражаси ҳам ошади. Бунда тез эрийдиган глицеридлар миқдорини ошиши сут ёғини эриш ҳароратини пасайтириб сариёғ консистенциясини яхшилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қаймоқни пастерлаш жараёнида сариёғга пастерланган таъм бағишловчи кўп хушбўй ва таъм берувчи моддалар ҳосил бўлади. Пастерланган таъм кўпгина кучсиз ем нуқсонларини билинтирмайди. Юқори сифатли сариёғ пастерланган таъмга эга бўлиши лозим.

Сариёғ таъм ва ҳидини шаклланишида иштирок этувчи моддалар сут оқсили ва ундан ҳосил бўладиган моддалар (эркин аминокислоталар, учувчан ёғ кислоталари, ёғ кислоталари эфирлари, лактоза, ЯН – гуруҳ типидаги эркин сульфигидрил бирикмалар, лактонлар, нейтрал карбонил бирикмалар, диацетил ва ацетоин ва бошқалар) ҳисобланади. Қаймоқни пастерлашда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

- юқори кислоталикка эга бўлган қаймоқ қайта ишланганда аппаратни иситувчи юзаларида оқсил ва туз чўқмаларини ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида пастерлаш ҳароратини пасайтириш лозим;
- қаймоқни пастерлаш ҳароратини берилган даражада доимий сақлаш керак;
- қаймоқни қайта ишлашда бир маротабали пастерлашни қўллаш мақсадга мувофиқдир;
- қаймоқда ем ва ҳид, таъмлар мавжуд бўлганда пастерлаш ҳароратини бир мунча ошириш керак;
- қаймоқда кучсиз сезилдиган бегона таъм ва ҳидлар мавжуд бўлганида пастерлаш ҳарорати ишлаб чиқарилаётган сариёғ боғлиқ ҳолда қуйидаги 5-жадвалга мувофиқ белгиланади.

5-жадвал

| Йил даври | Сариёғни намлиги, % | Қаймоқни пастерлаш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ |
|--------------|---------------------|-------------------------------------------------|
| Кузги-қишки | 16 | 103-108 |
| | 20 | 105-110 |
| | 25 | 105-115 |
| | 35 | 105-115 |
| Баҳорий-ёзги | 16 | 100-103 |
| | 20 | 103-105 |
| | 25 | 103-108 |
| | 35 | 103-108 |

Қаймоқни тавсия қилинаётган пастерлаш ҳароратлари оқсиллар коагуляцияга яхши чидамли бўлганида фойдаланилиши мумкин. Қаймоқни иссиқликка чидамлилиги қайнатиш ва хлоркальцийли намуна ёрдамида текширилади.

Қаймоқ оқсиллари иссиқликка чидамсиз бўлса пастерлаш ҳароратини $92\text{-}95^{\circ}\text{C}$ атрофига сақлаш керак.

Қаймоқ пастерлангандан кейин паст ҳароратли ишлов беришга жўнатилади. Бунинг учун пастерланган иссиқ қаймоқ зудлик билан ёпиқ оқимда ёғни оммавий кристалланиш ҳароратларигача ($4\text{-}20^{\circ}\text{C}$) совутилади ва бу ҳароратларда сақланади (5-20 соат). Совутиш пайтида кристалланиш марказлари пайдо бўлади, глицеридларни қисман қотиш ва бегона микроорганизмлар учун ноқулай шароитлар яратилади. Қаймоқни паст ҳароратли ишлов бериш (физикавий етилтириш) мақсади бир қисм ёғни қаттиқ ҳолатга ўтказиш (32-35 %) ҳисобланади. Бунда қаймоқ эмульзия ҳолатдан суспензоэмульзияга (ёғ шарчалари ичидаги сут ёғи кристаллари) ўтади. Ёғ шарчалари ичидаги қаттиқ ёғни пайдо бўлиши қобиқни ёғ билан боғлиқлик мустаҳкамлигини камайтиради ва ёғ эмульсияси чидамлилиги пасаяди. Қаймоқни сақлашининг ошиши сарин, яъни эмульсияни эскириши

натижасида ушбу ҳодиса яна кучаяди. Натижада қаймоқдан ёғ фазасини ажратиш ва ёғ қумоқларини олиш учун шароит яратилади.

Қаймоқни етилиши жараёнида алоҳида ёғ шарчаларида глицеридларни кристалланиши давом этадики, натижада ёғ шарчаларини структураси ўзгаради, липопротеин қобигини мустаҳкамлигини пасайиши, ёғ шарчаларидан суюқ ёғни кисман оқиб чиқиши ва ёғ шарчаларини агрегацияси кузатилади.

Қаймоққа паст ҳароратли ишлов беришнинг кўп вақт давом этадиган ва тезлаштирилган усуллари мавжуд.

Қаймоқни узок муддатли тайёрлаш усули қаймоқни сут ёғларининг оммавий кристалланиш ҳароратларида 5-20 соат сақлашни тақозо этади.

Сариёғ ишлаб чиқариш амалиётида қаймоқни паст ҳароратли ишлов беришнинг бир ва икки босқичли режимларидан фойдаланилади.

Бир босқичли режимда қаймоқ тезлик билан қабул қилинган физикавий етилтириш ҳароратигача совутилади ва шу ҳароратда қаймоқ кувлашгacha сақланади. Кўп босқичли режимда эса қаймоқ икки ва ундан ортиқ ҳарорат режимларида иссиқлик ёрдамида ишлов берилади. Босқичли режимлар ёғни глицеридли таркибини, хусусиятларини ҳисобга олиш, кристалланиш жараёнини ростлаш ва доимий равишда яхши консистенцияли сариёғ ишлаб чиқариш имконини беради.

Қаймоқни физикавий етилтириш режимлари сут ёғини кимёвий таркибига кўра танланадики, у йил даври, овқатлантириш шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ёғни кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда танланган қаймоқни паст ҳароратли ишлов бериш режими дифференциранган деб номланади. Одатда ёзги ва қишки дифференциранган паст ҳароратли ишлов бериш режимлари фарқланади.

Кузги-қишки даврдаги кўп босқичли паст ҳароратли ишлов бериш режими қуйидагича:

- пастерланган қаймоқ 8^0 Сгача совутилиб, 2 соат сақланади;
- 19^0 Сгача иситилиб, 5-7 соат сақланади;

- 16^0 Сача совутилиб, 10-12 соат кувлашгача сақланади.

Режимни қисқартирилған ёзуви:

$$8^0(2 \text{ с}) \Rightarrow 19^0(5-7 \text{ с}) \Rightarrow 16^0(10-12 \text{ с})$$

Баҳорий-ёзги даврдаги күп босқичли паст ҳароратли ишлов беріш режимі қуйидагича:

- иссиқ қаймоқ $19-20^0$ Сача совутилиб, 6-8 соат сақланади;
- $15-16^0$ Сача совутилиб, 12-14 соат сақлаш;
- $7-9^0$ Сача совутилиб, 1 соат сақлаш.

Режимни қисқартирилған ёзуви:

$$19-20^0(6-8 \text{ с}) \Rightarrow 15-16^0(12-14 \text{ с}) \Rightarrow 7-9^0(1 \text{ с})$$

Дифференцирланған күп босқичли режимларни қўллаш баҳорий-ёзги пайтда сариёғ структурасини мустаҳкамлашга, кузги-қишки даврда эса механик мустаҳкамлигини пасайтиришга йўналтирилган.

Қаймоқни оптималь етилиш даражасини таъминлаш учун қуйидаги бир босқичли режимлар тавсия этилади (6-жадвал).

6-жадвал

| Сариёғни намлиги, % | Йил даври бўйича қаймоқни етилтириш режимлари | | | |
|------------------------|-----------------------------------------------|---------------------------|-----------------------|---------------------------|
| | Баҳорий-ёзги | | Кузги-қишки | |
| | Ҳарорат, ^0C | Сақлаш, соат, кам эмас | Ҳарорат, ^0C | Сақлаш, соат, кам эмас |
| 16 | 4-6 | 5 | 5-7 | 7 |
| 20 | 5-9 | 7 | 6-10 | 8 |
| 25 | 6-10 | 8 | 7-11 | 10 |
| 30 | 6-12 | 8 | 8-14 | 10 |

Шу билан бир қаторда йил масуми бўйича дифференцирланған күп босқичли қаймоқни етилтириш режимлари ҳам кенг қўлланилади:

- *Йилни баҳорий-ёзги даврида* тез эрийдиган глицеридлар микдори күп бўлган қаймоқ $13-15^0\text{C}$ гача совутилиб, бу ҳароратда 3 соатдан кам бўлмаган вақт давомида сақланади. Ушбу сақлаш қийин ва ўртача эрийдиган

глицеридлар гурухини кристалланишига имкон беради. Сүнгра қаймоқ аралаштириш давомида 4-6 °С гача совутилади, бу эса паст эрийдиган ёғ глицеридлари гурухларини майда кристаллар кўринишида кристалланишига имкон беради. 4-6°С да қаймоқ ҳар 1-1,5 соатдан кейин 3-5 мин давомида аралаштириш йўли билан 3 соатдан кам бўлмаган вақтда сақланади. Шундан сўнг қаймоқ ҳарорати 27°С дан юқори бўлмаган сув ёрдамида кувлаш ҳароратигача иситилади.

- *Йилни кузги-қишики даврида қаймоқ 5-7°С гача совутилиб, 2-3 соат сақланади (3-5 мин давомида 2-3 марта аралаштирилади). Бу паст эрийдиган глицеридларни майда кристаллар кўринишида кристалланишини таъминлайди. Бунда қолган глицеридлар ҳажми 40%гача етади. Сўнгра қаймоқ 40-60 мин давомида ҳарорати 13-15°С гача иситилади (3-5 мин давомида 2-3 марта аралаштирилади). Иситилган қаймоқ ҳар 1-1,5 соатдан кейин аралаштирила туриб 3 соатдан кам бўлмаган муддатда сақланади. Бу ҳолда ўрта ва қийин эрийдиган глицеридларни кристалланиши содир бўлади. Сақлаш якунлангач қаймоқ кувлаш ҳароратигача совутилади.*

Қаймоқни паст ҳароратли ишлов бериш режимларини танлашда қаймоқдаги ёғни юқори қотиш даражаси ёғ қумоқлари намлигини пасайтириб пластга плазмани киритиш ва тақсимлашнинг қийинлаштиришни ҳисобга олиш зарур. Бу эса дехқонча ва бутерброд сариёғларини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Етилтириш режимларига риоя қилмаслик айрондаги ёғ миқдорини ошириб, сариёғ консистенциясини ёмонлашувига олиб келади.

Қаймоқни кувлаш, ёғ қумоқларини ювиш, ёғга механик ишлов бериш. Қаймоқни кувлаш моҳияти қаймоқ ёғ шарчаларини агрегациялаб ёғ қумоқларини ҳосил қилишдан иборат.

Қаймоқни кувлаш ҳарорати кувлаш муддати, айронга ўтадиган ёғ миқдори ва сариёғ консистенциясини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Қаймоқни кувлаш ҳарорати ишлаб чиқарилаётган сариёғ тури, қаймоқни ёғлиги, йил даври, қаймоқни етилтириш режимлари, сариёғ

тайёрлагич конструкцияси ва олдинги ишлаб чиқаришлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қишки қийин эрийдиган ёғ учун суюқ ва қаттиқ ёғларни оптималь нисбатини таъминловчи бир мунча юқори кувлаш ҳарорати ($12\text{-}14^{\circ}\text{C}$), осон эрийдиган ёзги ёғ учун эса паст кувлаш ҳарорати ($8\text{-}11^{\circ}\text{C}$) танланади. Агар қаймоқ паст ҳароратларда ($5\text{-}7^{\circ}\text{C}$ дан паст) кувланса суюқ ёғни етишмаслиги сабабли ёғ қумоқлари ҳосил бўлмайди. Юқори кувлаш ҳароратларида суюқ ёғ миқдори ошиши сабабли конгломератлар тез ҳосил бўлади ва кувлаш жараёни тезлашади. Бунда кўпгина ёғ шарчалари бирлашишга улгурмайди ва айронга ўтади.

Ёғ шарчаларини агрегацияланиши ва олинган сариёғни қотиши учун оптималь кувлаш ҳарорати $12\text{-}15^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Турли намлиқдаги сариёғлар олишда қуйидаги қаймоқни кувлаш режимлари (7-жадвал) тавсия этилади.

7-жадвал

| Сариёғ намлиги, % | Қаймоқни кувлаш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ | |
|-------------------|----------------------------------------------|------------------|
| | Баҳорий-ёзги давр | Кузги-қишки давр |
| 16 | 7-12 | 8-13 |
| 20 | 8-13 | 9-14 |
| 25 | 9-14 | 10-15 |
| 35 | 11-15 | 12-16 |

Ёғлиги баланд ва етарлича етилмаган қаймоқ паст ҳароратларда кувланади. Аксинча узоқ вақт давомида паст ҳароратларда етилтирилган паст ёғли қаймоқни кувлаш ҳарорати бирмунча оширилади.

Қаймоқни кувлаш ҳароратигача иситиш ҳарорати 27°C дан юқори бўлмаган сув ёрдамида амалга оширилади ва шу ҳароратда 30 мин дан кам бўлмаган муддатда сакланади.

Иш олдидан сариёғ тайёрлагич бирин-кетин иссиқ ва совуқ сув билан ишлов берилади. Бунинг учун сариёғ тайёрлагич уни ҳажмини $10\text{-}15\%$ гача

харорати 75-80⁰C бўлган сув билан тўлдирилади, 1-2 мин давомида кувлаш тезлигида айлантирилади ва ҳосил бўлган буғ ҳар 1-2 айланишлардан кейин клапан орқали чиқарилади. Шундан сўнг иссиқ сув тўкилиб, сариёғ тайёрлагич ҳарорати қаймоқни кувлаш ҳароратидан 2-3⁰C паст бўлган совуқ сув билан сариёғ тайёрлагични 30-40%гача тўлдирилади ва 2-3 мин айлантирилади. Сариёғ тайёрлагичдаги совуқ сув уни бевосита қаймоқ билан тўлдирилиши олдидан чиқариб юборилади. Агар сариёғ тайёрлагичдан тўкилиб юборилаётган сув ҳарорати қаймоқни кувлаш ҳароратидан юқори бўлса сув билан ишлов бериш қайтарилади.

Қаймоқ сариёғ тайёрлагичга оқизиш йўли билан узатилади. Қаймоқни етилтириш ваннаси деворларида қолиб кетган қаймоқ ва кўпик унчалик кўп бўлмаган совуқ ичимлик суви билан ювилади.

Қаймоқни нормал кувлаш учун сариёғ тайёрлагични оптималь тўлдириш даражасини белгилаш лозим. Ёғлиги 37 % гача бўлган қаймоқни кувлашда сариёғ тайёрлагични тўлдириш даражаси уни ҳажмини 40-50%ни ташкил этиши керак. Сариёғ тайёрлагични минимал тўлдириши уни ҳажмини 25%ни ташкил қиласи. Бу меъордан четланиш сариёғ ҳосил бўлиш жараёнини ёмонлаштиради, қаймоқни кувлаш муддатини узайтиради, айронга ўтишини оширади ва сариёғга ишлов беришни қийинлаштиради.

Кувлаш дастлабки 3-5 мин дан кейин сариёғ тайёрлагич ҳавони чиқариб юбориш учун 1-2 марта тўхтатилади. Қаймоқни кувлаш ўлчами 3-5 мм бўлган ёғ қумоқлари олингунга қадар давом эттирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ёғлиги юқори бўлган қаймоқни кувлашда жумладан, деҳқонча сариёғ олишда йирик ёғ қумоқларини олиш тавсия этилади. Бу эса кейинги ишлов беришда сариёғ таркибини ростлаш имконини беради.

Кувлашни флотацион назариясига мувофиқ қаймоқни кувлашни учта босқичини фарқлаш мумкин:

I – ҳавони пуфакчаларини ҳосил бўлиши;

II – ҳаво пуфакчалари дисперслигини бузилиши;

III – ёғ қумоқларини шаклланиши.

Ёғ қумоқларини ювиш күп мақсадлы операция бўлиб сариёғни таъми, ҳиди, консистенцияси ва сақлаш пайтидаги чидамлилгига таъсир қилади. Буни сабаби шундаки, ювиш жараёнида сув билан сут плазмасини маълум қисми, у билан биргаликда эса сариёғни таъми ва ҳидини шаклланишида иштирок этувчи, шунингдек бегона микрофлора ҳаёт фаолиятини белгиловчи моддалар чиқариб юборилади. Ювиш учун ишлатиладиган сув (микдори, ҳарорати) ёғ қумоқларини қайишқоқ-қовушқоқлик хусусиятларини ва ёпишқоқлигини, демак механик ишлов бериш самарадорлиги ва сариёғ консистенциясини белгилайди.

Энг яхши ювилганда ҳам плазмадаги 50% лактоза ва 15-27% оқсил ёғ қумоқларидан чиқариб юборилиши мумкин. Ёғ қумоқларини ичида жойлашган юқори диспергирланган плазма (ёғ қумоқларидаги плазмани 26%ни ташкил этади) ювиш жараёнида ювилмайди ва улар микроорганизмлардан озод. Ёғ қумоқларини ювиш пайтида плазмани чиқариб юборилиш даражаси ёғ қумоқларини ўлчами ва консистенциясига боғлиқ бўлади. Масалан, плазма юмшоқ консистенцияли йирик ёғ қумоқларидан бир жинсли майда, қаттиқ ёғ қумоқларига нисбатан қийин чиқариб юборилади.

Агар сариёғ I навли қаймоқдан ишлаб чиқариш технологияси ва санитарияси талабларига қатъий риоя қилиниб ишлаб чиқарилса ёғ қумоқлари ювилмайди. Таъкидланганидек, ювилмаган сариёғ унда юқори микдорда ЁҚСҚ мавжуд бўлганлиги сабабли янада яққол намоён бўлган таъм ва ҳидга эга.

Яққол сезилувчан бегона таъмлар (силос, нотоза таъм) мавжуд бўлган қаймоқ қайта ишланганда ёғ қумоқларини ювиш мажбурий ҳисобланади. Ювишлар сони қайта ишланаётган қаймоқ сифатига боғлиқ.

Сариёғ тайёрлагич ва ёғ қумоқларини ювиш учун ишлатилаётган сув ичимлик сувига бўлган стандарт талабларига жавоб бериши лозим.

Ёғ қумоқларини ювиш шлангдан сув сепгич орқали ёғ қумоқларини ҳамма юзасини бир хил суғориш йўли билан амалга оширилади. Ювиладиган сувни умумий миқдори қаймоқ ҳажмини 50-60%ни ташкил қиласи. Шундан сўнг, кран беркитилади, керакли миқдордаги сув олинади, люк зич ёпилиб, сариёғ тайёрлагич қувлаш тезлигида айлантирилади ва ювилган сув чиқариб юборилади.

Икки маротабали ювиш зарур бўлса юқорида келтирилган операцилар қайтарилади.

Ёғ қумоқлари нормал консистенцияга эга бўлса ювиш сувини ҳарорати айроннинг ҳароратидан $1-2^{\circ}\text{C}$ паст бўлиши керак. Юмшоқ, ёпишқоқ ёғ қумоқларини қотиши учун ювиш сувини ҳарорати яна $1-2^{\circ}\text{C}$ га пасайтирилади ва сақлаш 5 минутгача узайтирилади. Кўпол, тарқоқлашган, кучсиз боғланган ёғ қумоқларини ювиш учун юувучи сув ҳарорати айрон ҳароратига нисбатан $1-2^{\circ}\text{C}$ оширилади.

Сариёғни механик ишлов берилиши тарқоқ ёғ қумоқларидан сариёғ монолитини шакллантириш, компонентларни бир хил аралаштириш, таркибни бир хиллаштириш ва маҳсулотни пластификациялаш учун зарур. Ушбу технологик жараён тайёр таъм хусусиятлари, консистенцияси, сақланувчанлигига таъсир этиб, тайёр маҳсулотни товар қўрсаткичларини белгилайди.

Ёғ қумоқларига ишлов бериш самарадорлиги кўп ҳолларда уни структураси, таркиби ва хусусиятларига боғлиқ. Ёғ қумоқлари қисман ёки тўлиқ қотган ёғ парчаларини ёпишган майда агрегатлари тизими ҳисобланади. Ёғ қумоқларини структураси ва ўлчамлари уни намлик ушлаш қобилиятига, монолит ҳосил қилиш хусусиятига ва сариёғ структурасига таъсир қиласи. Шуни таъкидлаш лозимки, майда ёғ қумоқлари юзадаги намликни киритишга кўмаклашса, йирик ёғ қумоқлари уни йирик агрегатлари ичидаги намликни ушлаб туради.

Сариёғга механик ишлов бериш жараёни уч босқичдан иборат:

- маҳсулотдан эркин намликни сиқиб чиқарилиши ва сўнгра қритик моментни юзага келиши (сариёғдаги намлик миқдори минимал);
- сариёғга намликни киритиш босқичи;
- сариёғ монолитида намликни бир хил тақсимланиши.

Сариёғга ишлов бериш муддати ёғни кимёвий таркиби, сариёғ тайёрлагич ишчи сифимини тўлдириш даражаси ва айланиш частотаси, маҳсулот ҳароратига боғлик.

Сариёғ тайёрлагичларда сариёғга ишлов бериш баҳорий-ёзги давридаги паст эрувчи ёғда 15-25 мин, кузги-қишки давридаги қийин эрувчи ёғда эса 25-30 мин давом этади.

Ишлов беришни дастлабки 5-8 мин сариёғ тайёрлагич ишчи сифимини ёпилган кран ва люкларида олиб борилади, пласт хосил бўлгандан кейин эркин намликни чиқариб юбориш мақсадида кран очилади. Қритик моментга эришилгач (крандан намликни оқиб чиқиши тўхтайди) сариёғ тайёрлагич тўхтатилиб люки очилади, пластни турли жойларидан сариёғни ўрта намунаси олинади ва унда намлик миқдори аниқланади.

Ушбу намунани таҳлил этиш маълумотлари бўйича етишмаётган намлик миқдори ҳисоблаб чиқилади, айрон кўринишида сариёғ тайёрлагичга солинади ва ёпиқ ҳолатдаги кран ва люқда ишлов беришни уни сариёғга тўлиқ киритилиб бир хил тақсимлангунича давом эттирилади. Баъзи ҳолларда сув билан нормаллаштиришга йўл қўйилади. Металлдан ясалган сариёғ тайёрлагичларни ишлатишда ишлов бериш ҳарорати ишчи сифимнинг ташқи юзасини сув билан суғориш йўли ростланади. Қаттиқ ёғ қумоқлари олинганида (ишлов беришни қритик моментига эришилгандан кейин) сариёғ тайёрлагич юзаси ҳарорати $18-20^{\circ}\text{C}$ сув билан, юмшоқ ёғ қумоқлари олинганида эса совук билан суғорилади. Ишлов берилаётган сариёғ ҳароратини $11-14^{\circ}\text{C}$ интервалида сақлашга ҳаракат қилиш тавсия этилади.

Сариёғ тайёрлагич ишчи сифимини айланиш частотаси аппаратни ишлатиш йўриқномаси ва олдинги ишлаб чиқаришлар тажрибасига кўра белгиланади.

Сариёғ тайёрлагични ўзлаштириш даврида ишлов беришни ҳар 3 мин кейин сариёғ намунасини олиш ва унда намлик миқдори аниқлаш тавсия қилинади. Бу қритик моментга эришиш учун зарур бўлган вақтни аниқлаш имконини беради. Ушбу маълумотлар мастер учун ўрта намуна олингунига ва етишмайдиган сув киритилгандан кейинги ишлов бериш муддатларини аниқлаш учун керак бўлади.

Ишлаб чиқарилаётган сариёғни кутилаётган массасини ва унда етишмаётган намлик миқдорини аниқлаш методикасини таклиф этамиз.

Сариёғни кутилаётган массаси M_{ck} қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$M_{ck} = \frac{M_{km}(\ddot{E}_{km} - \ddot{E}_a)}{\ddot{E}_{ce}}$$

бу ерда, M_{km} - қаймоқ массаси, кг;

\ddot{E}_{km} - қаймоқ ёғлиги, %;

\ddot{E}_a - айрон ёғлиги, %;

\ddot{E}_{ce} - сариёғ ёғлиги, % (ишлов беришни қритик моментида

лаборатория маълумотлари бўйича).

Сариёғ ёғлиги ҳисоб йўли билан қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$\ddot{E}_{ce} = 100 - (H_{ce} + \dot{E}KCK)$$

бу ерда, H_{ce} - сариёғ намлиги, %;

$\dot{E}KCK$ - сариёғдаги ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи миқдори, % (ювилмаган сариёғдаги ЁҚСҚ миқдорини тахминан сариёғ намлигини 10%га teng деб қабул қилиш мумкин).

Сариёғда етишмаётган намлик массаси E_h қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$E_h = \frac{M_{ck}(H_{ce} - H_{kp})}{100 - H_{ce}} - C$$

Бу ерда, M_{ck} - сариёғни кутилаётган массаси, кг (ишлов беришни критик моментида);

H_{kp} - ишлов беришни критик моментида сариёғ пластини намлиги, %;

H_{ce} - сариёғда талаб қилинадиган намлик миқдори, %;

C - намуна олиш пайтида сариёғ тайёрлагич деворларидаги эркин намлик миқдори, кг (хар бир корхона учун тажриба йўли билан аниқланиши зарур).

C ни аниқлаш учун қуйидагича йўл тутилади. Ишлов беришни критик моментида пластдан намуна олингач (H_{kp}) сариёғ тайёрлагични айроннинг чиқариб юбориш крани ва люкини ёпган ҳолда сариёғ тайёрлагич тўлиқ қуригунча сариёғга ишлов бериш давом эттирилади. Шундан кейин ишлов берилган сариёғ пластидан намуна олинади ва унда намлик миқдори аниқланади (H_{nl}). Олинган маълумотлар C ни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш имконини беради:

$$C = \frac{M_{ck}(H_{nl} - H_{kp})}{100 - H_{nl}}$$

C ни олинган қиймати сариёғга киритилиши талаб қилинадиган кейинги барча намликни массасини ҳисоблашда доимий катталик сифатида қабул қилинади.

Сариёғ айрон билан нормаллаштириладиган бўлса нормаллаштириш учун талаб қилинадиган айрон массаси (M_a) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_a = \frac{M_{c\kappa}(H_{c\ddot{e}} - H_{n\lambda})}{H_a - H_{c\ddot{e}}} - C,$$

бу ерда, H_a - айрон намлиги, %.

Ҳисобланган айрон массаси маҳсулот юзасида бир текис сепилади (сариёғ тайёрлагич кранни ёпилган). Ишлов бериш сариёғ тайёрлагич ишчи ҳажмини кран ва люки ёпилган ҳолда ҳамма айрон сариёғга киритилмагунича давом эттирилади. Бунда ортиқча ишлов бериб юборишдан эҳтиёт бўлиш керакки, акс ҳолда олинадиган сариёғ мол ёғига ўхшаб қолади.

Ишлов бериш якунлангач пластни турли жойларидан шуп ёрдамида намуна олинади ва уни намлиги аниқланади. Агар маҳсулот намлиги талаб қилинадигандан паст бўлса сариёғ тайёрлагич ишчи сифимига етишмаётган намлик киритилиб ишлов бериш давом эттирилади.

Ишлов бериш охири сариёғ намунаси юзасида намликни бўлмаслиги билан белгиланади. Сариёғга ишлов бериш сифати индикатор қоғозлардан фойдаланилган ҳолда аниқроқ назорат қилиниши мумкин.

Тайёр маҳсулот сариёғ тайёрлагичдан қўлда чиқариб олинади ва қадоқлашга жўнатилади.

Сариёғ қадоқлаш, ўраш, жўнатиш ва сақлаш. Ишлаб чиқарилган сариёғ массаси нетто 20 ва 24,0 кг бўлган ҳолда амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга мувофиқ қутиларга ва массаси 20, 100, 200, 250 г ҳолда брикет кўринишида қадоқланади.

Ўраш материали сифатида пергамент, алюминиев фольга, полимер ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия қилинган бошқа материаллар ишлатилади. Манфий ҳароратларда узоқ вақт сақлашга мўлжалланган сариёғни ўраш учун полимер материалларни ишлатиш тавсия этилади.

Ўраш материали сариёғ монолитини барча томонларини ўраб туриши лозим. Тегишлича тайёрланган пергамент қутига жойлаштирилади. Дастреб пергамент листлари қутини ён томонига, сўнгра эса узунлиги бўйлаб

түшалади. Бунда узунлиги бўйлаб тўшалаётган дастлабки пергамент қути тубини қисман ён ва устки қисмини тўлиқ қамраб олиши ва бувлаб қўйиш учун 20 мм заҳираға ҳам эга бўлиши лозим. Шундан сўнг қути узунлиги бўйлаб иккинчи пергамент лист шундай жойлаштирилади, у қутини туби ва ён томонини тўлиқ қамраб олсин.

Кўлда қадоқлашда қути деформацияланиши олдини олиш мақсадида қутилар унга сариёғ жойлаштирилиши олдидан маҳсус сттанокка ўрнатилади. Сариёғдан унчалик катта бўлмаган порциялар ёғочли курачалар ёрдамида олинниб қутиларга солинади ва ёғочли ўғир даста билан зичлаштирилади. Сариёғ зич жойлаштирилиши лозимки, сариёғ монолитини ичидаги ҳам ва қути деворлари ўртасида ҳам бўшлиқлар бўлишига йўл қўйилмайди. Сариёғ ёпишиши олдини олиш мақсадида ёғочли ўғир даста даврий равишда сувга ботирилиб олинади ва ортиқча суви эса силтаб юборилади. Пергаментни бувланиши ва унда бўшлиқлар пайдо бўлиши олдини олиш мақсадида сариёғ бўлаклари қутини марказида жойлаштирилади ва ёғочли ўғир даста зарбалари марказдан чет томонларга йўналтирилади. Сариёғ қутига жойлаштирилгандан кейин уни массаси сариёғ қуришини ҳисобга олган ҳолда стандарт талабларига етказилади, сўнгра сариёғ юзаси текислангандан кейин пергамент билан ёпилади ва қути беркитилади.

Сариёғ жойлаштирилган қутилар маркировка қилиниши лозим. Маркировка қутини иккала ён томонларига ўтказилади ва у қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- корхонани товар белгиси ёки рақами;
- ишлаб чиқариш санаси;
- ой бошидан ўсиб бориш жамида партияни тартиб рақами;
- ҳар кунни бошидан ўсиб бориш жамида қутини тартиб рақами;
- нетто массаси;
- сариёғни номи ва нави;

- стандарт белгиланиши.

“Муроджон сут” корхонаси тайёр маҳсулотни савдо дўконлари орқали истеъмолчиларга реализация қиласди.

Қадоқлаш якунлангач сариёғли қутилар совутиш ва сақлаш камерасига жўнатилади. Сақлаш камерасида сариёғли қутилар баландлиги бўйича 3-4 қатор жойлаштирилади. Совутишни тезлаштириш мақсадида қаторлар ўртасида ингичка ёғочли рейкалар жойлаштирилади. Сариёғ қотгандан кейин одатда кейинги кунда қутилар баландлиги бўйича 8 тадан штабелларда жойлаштирилади.

Корхонада истеъмолчилар эҳтиёжларининг қондиришни кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган сариёғни массаси 200, 250 г бўлган брикетларда қадоқлаш тавсия этилади. Бу мақсадда қадоқлаш автоматини сотиб олиш ва ўраш учун пергамент ёки пергамент билан каширланган алюминли фолгадан фойдаланиш таклиф этилади. Сариёғли брикетлар қутиларга жойлаштирилиши лозим.

Сариёғли қутилар ушбу мақсадда маҳсус мўлжалланган камераларда сақланади. Сариёғни корхонада сақлаш шароитлари ва муддатлари 8-жадвалда келтирилган.

Сариёғни жўнатиш тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш қоидаларига мувофиқ барча ёпик транспортда амалга оширилади. Истисно ҳолларда маҳсулот усти ёпилган ҳолда уларни очиқ транспортда ташишга рухсат этилади.

8-жадвал

| Камерадаги ҳаво ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ | Сариёғдаги намлик миқдорига кўра уларни сақлаш муддатлари (кун) | | |
|-------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|----|----|
| | 16 | 20 | 25 |
| Монолитларда | | | |
| 5-0 | 3 | | 2 |
| 0 ч -12 | 10 | | 5 |

| | | |
|-------------|----|---|
| -12 ч -18 | 15 | 6 |
| Қадоқланган | | |
| -3 ч -18 | 3 | 3 |

1.4.Ишни мақсад ва вазифалари

Сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати, сариёғлар ассортиментини таҳлили, сариёғлар сифатини шаклланиши хусусиятлари ва ишни мақсадидан келиб чиққан холда ишда қуидаги аниқ вазифалар қўйилди:

- сариёғлар экспертизасининг ташкил этилишини ишлаб чиқиш;
- тадқиқот услублари тартиби ва натижаларга ишлов бериш баёнини ишлаб чиқиш;
- сариёғларни физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш;
- сариёғ консистенциясини кесик намунаси бўйича аниқлаш;
- сариёғни иссиқликга чидамлилигини аниқлаш;
- сариёғларни органолептик баҳолашни амалга ошириш.
- Самарқанд шахридаги “Муроджонсугт” МЧЖ да персонал ҳаёт фаолияти ва хизматлар ҳавфсизлиги бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқиш.

II-БОБ. Сариёғлар экспертизасини ўтказиш усуллари

2.1. Сариёғлар экспертизасини ташкил этиш

Юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида олинган сариёғларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг назорат қилиш схемаси 9-жадвалда келтирилган.

Сариёғларни юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида олинишида қаймоқни кўп маротабали пастеризацияланиши мақсадга мувофиқ эмас. Қаймоқга кўрсатиладиган кўшимча иссиқлик ва механикавий таъсирлар унда эркин ёғ миқдорини ошишига олиб келади. Бу эса сариёғда турли нуқсонларни ва пиширилган сариёғ таъмини пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари юқоридаги таъсирлар остида сариёғда ЁКСҚ миқдорини камайиши ва хушбўйлик берувчи моддаларни йўқотилиши хам кузатилади.

Юқори ёғли қаймоқ олиш жараёнида юқори сифатли сариёғ олинишига таъсир этувчи параметрларни (сепаратор унумдорлиги ва сепарациялаш харорати) хам назорат қилиш лозим.

Намликни массавий улушкини аниқлаш учун юқори ёғли қаймоқни нуқтали намуналари 2/3 хажмигача тўлган нормаллаштириш сифимларидан олинади. Намуна олиниши олдидан юқори ёғли қаймоқ 5-7 мин давомида аралаштирилади. Намуна диаметри 20 мм ва узунлиги сифим узунлигига мос келувчи металл трубка кўринишидаги маҳсус намуна олгич ёрдамида олинади. Олинган намуна тоза қуруқ идишга жойлаштирилади ва намликни массавий улushi буғлантириш йўли билан аниқланади.

Сариёғ хосил бўлиши жараёнида даврий равища (хар 40-60 мин кейин) юқори ёғли қаймоқни сариёғ шакллантиргич киришидаги ва ундан чиқаётган сариёғни харорати назорат қилиниши лозим.

Сариёғ шакллантиргичдан чиқаётган сариёғ стандартлигини назорат қилиш мақсадида хар 4-10 қутилар сариёғ билан тўлдирилишида намуна олинниб унда намлик миқдори ГОСТ 3626-73 бўйича аниқланиши зарур.

Сариёғдаги ЁҚСҚ микдори даврий равища, аммо ойда 1 мартадан кўп аниқланмайди. ЁҚСҚ ни аниқлаш учун нуқтали намуналар қутиларни тўлдирилишида ҳар бир ишлаб чиқаришни бошида, ўртасида ва охирида қопқоғга эга бўлган тоза қуруқ идишга олинади. Сутка давомида олинган нуқтали намуналарни массаси бўйича тенг порцияларидан бирлаштирилган намуна тузилади ва ундан тахлил учун намуна ажратилади. Тахлил натижалари кейинги аниқлашгача амалда бўлади.

9-жадвал

Юқори ёғли қаймоқни ўзгартириш усулида олинган сариёғларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг назорат қилиш схемаси

| Объект | Назорат қилинадиган кўрсаткич | Назорат даврийлиги | Намуналар олиш |
|------------------------------------------|----------------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қаймоқни пастерлаш | Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | ҳар минутдан 15-20 кейин | пастерлашдан кейин олинган намуна |
| | Пастеризация намунаси | даврий | пастерлашдан кейин олинган намуна |
| Қаймоқни дезодорациялаш | Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | даврий | дезодорациялаш жараёнида |
| Қаймоқни сепарациялаш | Босим, МПа | даврий | дезодорациялаш жараёнида |
| Юқори ёғли қаймоқни нормалаштириш | Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | даврий | сепарациялаш жараёнида |
| | намлиги, % | ҳар куни | нормализациялаш ваннасидан |
| | юқори ёғли қаймоқ массаси, кг | ҳар куни | нормализациялаш ваннасидан |
| | тўлдирувчилар массаси, кг | даврий | нормализациялаш ваннасидан |
| Айрон | ёғлиги, % | даврий | сариёғ шакллантиргичдан чиқаётган сариёғ оқими |
| Сариёғ хосил бўлиши | сариёғ консистенцияси | ҳар куни | ҳар бир партияда |
| Сариёғ шакллантиргичдан чиқаётган сариёғ | намлиги, % | ҳар куни | ҳар тўлдирилганидан кейин 4-10 кути |
| | ёғлиги, % | ҳар куни | ҳар тўлдирилганидан кейин 4-10 кути |
| | ЁҚСҚ микдори, % | ойда бир марта | Қутиларни тўлдиришда ишлаб чиқаришни боши, ўртаси ва охирида олинган бирлаштирилган намуна |
| | плазма кислоталиги, $^{\circ}\text{T}$ | зарурий холларда | ҳар 10 чи қутидан |
| | Иссикликга чидамлилиги | ҳар куни | ҳар бир партияда |

| | | | |
|----------|-----------------------------|----------|------------------|
| | Ранги, таъми, хиди | ҳар куни | ҳар бир партияда |
| Ўраш | Нетто массаси, кг | ҳар куни | танланма |
| Тамғалаш | Тамғалаш сифати | ҳар куни | танланма |
| Сақлаш | ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | ҳар куни | Суткада 1 марта |
| | Муддати, сутка | ҳар куни | Суткада 1 марта |

Нордон сариёғ ишлаб чиқаришда ивитқини кислоталиги уни қаймоқга солиниши олдидан аниқланади. Мастер ивитқини органолептик кўрсаткичларини текширади. Ивитқидаги ёғни массавий улуши ивитқи тайёрланган сутни ёғлиги бўйича қабул қилинади. Зарурий холларда нордон сариёғда плазма кислоталиги ўлчанади. Назорат учун ҳар ўнинчи қути олинади.

Сариёғларни кувлаш усулида ишлаб чиқариш технологик жараёнининг назорат қилиш схемаси 10 - жадвалда келтирилган.

Нордон сариёғ ишлаб чиқаришда қаймоқни етилтириш жараёнида солинадиган сут кислотали бактериялар ивитқисининг дозаси, бактериал ивитқи солишдан олдин қаймоқни харорати ва кислоталиги, етилиши жараёнини турли фазаларида қаймоқни сақлаш муддатлари, етилишни охирида қаймоқ кислоталиги, шунингдек қаймоқни кувлашга тайёрлашда уни аралаштириш муддати ва интенсивлиги назорат қилинади.

Ёғ доналарига ишлов бериш жараёнида пластдаги намликни массавий улуши назорат қилинади. Бунинг учун намуна пластдан критик лаҳза пайтида олиниши керакки, ушбу лаҳза хақида ёғ пласти юзасида намлик ажralиб чиқишини якунланиши далолат беради. Намуна пластни учта турли жойларидан олинади, унда намлик ва ош тузини массавий улуши аниқланади (тузланган сариёғ ишлаб чиқаришда). Ёғ доналарига ишлов берилишини якуни қуида баён қилинган визуал усулда яъни сариёғ юзасида намликни бўлмаслиги билан аниқланади.

Даврий ишловчи сариёғ тайёрлагичларда ишлаб чиқарилган сариёғнинг стандартлигини аниқлаш учун ишлов бериш якунлангандан кейин пластни

учта турли жойларидан, қуруқ куракча билан уни юза қисми ён томонга ағдарилгандан кейин, намуналар олинади. Сүнгра ушбу жойлардан 30-50 г дан тахминан бир ҳил порциялар олинади ва қуруқ идиш ёки пергаментга жойлаштирилади. Сариёғнинг узлуксиз ишловчи сариёғ тайёрлагичларда ишлаб чиқаришда сариёғ намуналари ишлов бергични чиқишида ҳар 7-10 мин дан кейин олинади. Сариёғ намуналари қуруқ идиш ёки пергаментга жойлаштирилиб яхши аралаштирилади, сўнгра эса тахлил ўтказилади.

Қаймоқни сариёғга қайта ишлашда айрон ажраладики, уни сифати амалдаги меъёрий техник хужжатларга мос келиши лозим. Айрон намуналари тахлил қилинишидан олдин пахта ва тўрт қаватли докали фильтр орқали фильтранади. Сариёғни кувлаш усулида ишлаб чиқаришда айронни ҳарорати мажбурий тартибда текширилиши керак. Айрон қайта ишлангунига қадар 8°C дан юқори бўлмаган ҳароратда 36 соатдан кўп бўлмаган муддатда сақланиши керак.

10 - жадвал

Сариёғларни кувлаш усулида ишлаб чиқариш технологик жараёнининг назорат қилиш схемаси

| Объект | Назорат қилинадиган кўрсаткич | Назорат даврийлиги | Намуналар олиш |
|-------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------|-----------------------|------------------|
| Қаймоқни пастерлаш ва дезодорациялаш (15-жадвалга қаралсин) | | | |
| Қаймоқни етилтириш | Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Жараён муддати, соат | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| Қаймоқни кувлашга тайёрлаш | Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$ | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Сақлаш вақти, мин | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Ёғлиги, % | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Кислоталиги, $^{\circ}\text{T}$ | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| Сариёғ пластига ишлов бериш | Намлиги, % | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Ёғлиги, % | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Ош тузи микдори, % | Ҳар куни | Ҳар бир сигимдан |
| | Диспергирланга н намлик бўйича сариёғ синфи | Зарурий холларда | Ҳар бир сигимдан |

| Объект | Назорат қилинадиган күрсаткич | Назорат даврийлиги | Намуналар олиш |
|-------------------------|-------------------------------------------|--------------------------------------------------|-------------------------|
| Айрон | Харорат, $^{\circ}\text{C}$ | Хар куни | Хар бир ишлаб чиқаришда |
| | Ёғлиги, % | Хар куни | Хар бир ишлаб чиқаришда |
| Сариёф (тайёр махсулот) | намлиги, % | Хар куни | Хар бир партияда |
| | ёғлиги, % | Хар куни | Хар бир партияда |
| | ЁКСК микдори, % | Даврий, аммо ойда бир мартадан кўп эмас | Танланма |
| | Плазма кислоталиги, $^{\circ}\text{T}$ | Зарурий холларда | Танланма |
| | Ош тузи микдори, % | Зарурий холларда | Танланма |
| | Каротин микдори, % | Зарурий холларда | Танланма |
| | Органолептик кўрсаткичлари | Хар куни | Хар бир партияда |
| | Харорат, $^{\circ}\text{C}$ | Жўнатишга тайёрлашда | Танланма |
| | Нетто массаси, кг | Даврий | |
| Ўраш | Нетто массаси, кг | Даврий | Танланма |
| | Сифати | Даврий | Танланма |
| Тамғалаш | Равшанлиги ва тўғрилиги | Даврий | Танланма |
| Сақлаш | Харорат, $^{\circ}\text{C}$ | Даврий | Суткада 1 марта |
| | Муддати, сутка | Даврий | Суткада 1 марта |

Транспорт ва истеъмол тараларидаги сариёф партиясидан олинадиган танланма хажми 5 % махсулотли транспорт тараси бирликларини ташкил қиласди. Партияда 20 дан кам бирлик мавжуд бўлса бирта махсулотли транспорт тараси олинади. Танламага киритилган қадоқланган сариёғли транспорт тараларидан 3% маҳсулотли истеъмол тараси бирликлари олинади.

Танланмага киритилган транспортли тарадаги сариёғни нуқтали намуналари шуп ёрдамида олинади. Сариёф бочкаларга қадоқланганида шуп оғма ҳолатида бочкани чеккасидан марказга қаратиб, сариёф қутиларга қадоқланганида эса шуп диагонал бўйича ён деворидан сариёф монолитини

марказига қаратиб туширилади. Ҳарорати 10 °C дан паст бўлган сариёғ намунаси ҳарорати 38 ± 2 °C сувда иситилган шуп билан олинади.

Бирлаштирилган намуна тузиш учун, маҳсулотли транспорт тарасини ҳар бир бирлигидан шуп ёрдамида чиқариб олинган устунчани пастки қисмидан пичоқ ёрдамида массаси 50 г бўлган нуқтали намуна олиниб идишга жойлаштирилади. Шупда қолган устунчани 1,5 см узунликдаги юқори қисми олдинги жойига қайтарилади ва сариёғ юзаси эҳтиёткорлик билан текисланади.

Танламага киритилган истеъмол тарасидаги сариёғдан нуқтали намуна олиш учун ҳар бир сариёғ брикетидан ўрама материали ва 0,50-0,70 см қалинликдаги маҳсулот қатлами олиб ташланади ва пичоқ билан массаси 50 г нуқтали намуна ажратиб олинади. Нуқтали намуналар бирлаштирилган намуна тузиш учун идишга жойлаштирилади. Массаси 50 г ва ундан кам бўлган сариёғ брикетларидан бирлаштирилган намуна ташқи қатлами олинмаган бутун сариёғ брикетларидан тузилади.

Сариёғни бирлаштирилган намунаси ҳарорати 30 ± 2 °C бўлган сув хаммолига қўйилади. Доимий аралаштириш давомида намуна юмшатилган масса олингунига қадар иситилади ва тахлил учун массаси 50 г бўлган намуна ажратилади.

Ишлаб чиқарилаётган сариёғнинг ҳар бир партияси сифатини тасдиқловчи гувохномада қуйидагилар кўрсатилади: гувохнома рақами; ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи; ингредиентлар таркиби; маҳсулот кўринишини номи ва партия рақами; партиядаги жойлар сони ва нетто массаси; маҳсулотдаги ёғнинг, намликтининг массавий улуши, ҳарорати ва органолептик баҳо тахлили натижалари ҳақидаги маълумотлар; маҳсулот тайёрланган сана (кун, ой, йил); яроғлилик муддати (кун, ой, йил); сақлаш шароити; стандартнинг белгиланиши.

2.2. Тадқиқот услублари баёни

Сариёғда намлик миқдорини аниклаш

Сариёғдаги намлик миқдори ГОСТ 3626-73 талабларига мувофиқ аникланади.

Приборлар. СМП-84 ёки лаборатория технивий тарозиси; алюмини стакан; шпатель, металл тутқич, иситиш асбоби, соат шишаси, ойна.

Ишини бажарииш тартиби. Тоза қуруқ алюмини стаканга СМП-84 тарозисида 10 г түлдирувчилар солинмаган сариёғ тортиб олинади. Шундан сүнг стакан металл тутқич билан ушлаб олиниб узлуксиз айланма аралаштириш давомида иситилиши бошланади. Бошланишида сариёғ эрийди, сүнгра эса қайнай бошлайди. Буғлантириш эхтиёткорлик билан сачраш ва кучли күпикланишга йўл қўймасдан олиб борилади.

Буғлатиши якуни хақида часирлашни йўқолиши ва қолдиқни енгилгина қўнғир тусга кириши, шунингдек алюмин стакан устига жойлаштирилган совуқ ойна ёки соат шишаси терлашини йўқолиши бўйича хукм чиқарилади.

Намликни буғланниши якунлангандан кейин стакан иситиш асбобидан олинади ва тоза металл ёки сирланган юзага қўйиб совутилади, сүнгра эса тортилади.

Тарозини мувозанат холатига келтириш учун бир ёки иккала рейтер шкала бўйича силжитилади. Намлик 19 % дан юқори бўлмаганида бир рейтер силжитилади. Рейтер осилиб турган шкала кесигидаги рақам сариёғдаги намлик миқдорини кўрсатади. Агар намлик 19 % дан кўп бўлса иккинчи рейтер ҳам силжитилади. Рейтерлар осилиб турган шкала кесиклари олдидаги рақамлар қўшилади, уларни йифиндиси эса сариёғдаги сув миқдорини фоизларда кўрсатади.

Агар таҳлил учун 5 г сариёғ олинган бўлса у ҳолда намлик буғлатилгандан кейин стаканни уни ичидагиси билан тортиш натижалари 2 га кўпайтирилади.

Паралел аниқлашлар ўртасидаги фарқ сариёғ учун 0,2 % дан ошмаслиги керак.

Сариёғда ёғ миқдорини аниқлаш

Тұлдирувчилар солинмаган сариёғдаги ёғ миқдори фоизларда ГОСТ 5867-69 талабларига мувофиқ аниқланади:

тузланмаган ва любительский сариёғи учун қуйидаги формула бүйича

$$Ж = 100 - (B + C);$$

тузланған сариёғ учун қуйидаги формула бүйича

$$Ж = 100 - (B + C + C_1),$$

бу ерда B - намлик миқдори, %;

C - ёғсиз қуруқ модда миқдори, %;

C₁ - туз миқдори, %.

Сариёғда ёғсиз қуруқ модда миқдорини аниқлаш

Сариёғда ёғсиз қуруқ модда миқдори унда намлик аниқланғандан кейин 102-105 °C да қуритиш усули билан аниқланади.

Прибор ва реактивлар. Сариёғда намликни аниқлашда ишлатиладиган барча приборлар, шунингдек бензин, этил эфири.

Иини бажарии тартиби. Алюминли стаканга шиша тайёқча солинади ва тарозида тортилади. Стаканга 0,01г аниқликда 10 г сариёғ тортилади. Алюмин стакандаги қолдик (намлик миқдори аниқланғандан кейин) ундаги ёғ эригунча секин иситилади, 50 мл бензин ёки этил эфири қуйилади, аралашма шиша тайёқча билан яхши аралаштирилади чўкма тушиши учун 3-

5 мин тинч қолдирилади. Тиндирилгандан кейин эритма, чўкмани қўзғатмасдан уни стакандаги юзаси устида 1-2мл эритмани қолдирган ҳолда, охиста тўкилади. Чўкмани бензин билан ишлов берилиши 3 маротаба қайтарилади.

Бензин юзасини устида сузуб юрган ва чўкмага тушмайдиган заррачаларни мавжудлиги намликни тўлиқ буғлатилмагандан далалат беради. Бу ҳолда аниқлаш такрорланиши лозим.

Стакандаги қолдиқ доимий массагача қуритиш шкафида 102-105 $^{\circ}\text{C}$ да (куритиш шкафи бўлмаганида спиртовкани кучсиз алансасида ёки электроплиткада иситиш мумкин) бензин тўлиқ чиқариб юборилгунига қадар қуритилади. Бензиннинг тўлиқ чиқариб юборилиши қолдиқни тўкилувчанлиги бўйича уни шиша тайёқча билан аралаштирилиши давомида аниқланади. Стакан ичидағиси билан хона ҳароратигача совутилади ва тортилади.

Сариёғдаги ёғсиз қуруқ модда миқдори (C , %да) қуийдаги формула бўйича хисобланади

$$\text{C} = \frac{(\text{m}_1 - \text{m}_0) \cdot 100}{\text{m} - \text{m}_0},$$

Бу ерда m_1 - стаканни ёғсиз қуруқ модда билан бензин ёғли эритма чиқариб юборилганидан кейинги массаси, г;

m_0 - бўш стаканни шиша тайёқча билан биргаликдаги массаси, г;

m - стаканни шиша тайёқча ва сариёғ тортмаси билан биргаликдаги массаси, г.

Заруриятга қараб тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш ва сариёғни сақлашда уни барқарорлигини башорат қилиш учун уни консистенцияси ва структураси кесиш намунаси, иссиқликга чидамлилиги, микроёриқларни мавжудлиги, намликни дисперслиги ва тақсимланишига текширилади.

Сариёғни намлик дисперслиги бўйича баҳолаш

Ёғ доналарига ишлов берилишини якуни визуал равища яъни сариёғ юзасида намликин бўлмаслиги билан аниқланади. Зарурий ҳолларда, сариёғга ишлов берилишини сифати индикаторли усулда, намлик томчиларини катталиги ва уларни тақсимланиши бўйича, баҳоланади. Ушбу усул индикаторли қофозчалар шимдирилган бромфенолкўки эритмаси рангини ўзгаришига асосланган. Бунинг учун сариёғни текис кесмаси қилиниб уни юзасини бир неча жойларига индикаторли қофозчалар зич қўйилади. 30 сониядан сўнг қофозчалар олинади ва олинган қўк нуқта ва дош излари этalon билан солиштирилади. Кесимда жойлашган сув томчиларини ўлчами ва шаклига мос келувчи доғлар кўриниши бўйича сариёғ 2-расмда келтирилган синфларни бирига тегишли деб топилади:


I синф – намлик яхши диспергирланган сариёғ (индикаторли қофозчада хеч қандай излар кўринмайди).

II синф - намлик қониқарли диспергирланган сариёғ (индикаторли қофозчада диаметри 0,3-1,0 мм бўлган бир ҳил тақсимланган кам (3-5) нуқталар кўринади);

III синф - намлик ёмон диспергирланган сариёғ (индикаторли қофозчада диаметри 1,0 мм дан катта бўлган ҳар ҳил тақсимланган кўп (5 тадан кўп) нуқталар кўринади);

IV синф – стандартга мос келмайдиган сариёғ (индикаторли қофозчада диаметри 3,0 мм дан катта бўлган ҳар ҳил тақсимланган жуда кўп нуқта ва доғлар кўринади).

Индикаторли қофозчалардаги излар этalon бўйича I ва II синфларга мос келса, сариёғга механик ишлов берилганлигини якунланган деб ҳисоблаш мумкин.



Расм 2. Сариёгни намлик дисперслиги бўйича баҳолаш шкаласи (I – IV синфлар)

Ш-БОБ. Сариёғлар сифат экспертизасини ўтказиш

3.1. Сариёғларни физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш

Сариёғлар экспертизасини амалга ошириш учун “Муроджонсуг” ва “АгроБраво” МЧЖ ларда ишлаб чиқарилган тузланмаган анъанавий ширин сариёғ намуналари танланди.

Тузланмаган анъанавий ширин сариёғлар OzDSt 2771:2013 бўйича ишлаб чиқарилади.

Сариёғни физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари тегишлича 11, 12 -жадвалларда келтирилган.

11-жадвал

| Махсулот | Ёғлиги, %, кам эмас | Намлиги, %, кўп эмас | Ош тузи, %, кўп эмас |
|------------------------------------|---------------------|----------------------|----------------------|
| Тузланмаган анъанавий ширин сариёғ | 82,5 | 16,0 | - |

Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотларни сифат кўрсаткичларини стандартлардаги талабларга мос келиши ишлаб чиқариш жараёнида қатъий технокимёвий ва микробиологик назоратни амалга ошириш орқали таъминланади.

Сариёғ экспертизасини амалга ошириш учун “Муроджон сут” ва “АгроБраво” МЧЖ ларда ишлаб чиқарилган ва сотувга тайёрланган тузланмаган анъанавий ширин сариёғларидан олинган намуналарда органолептик ва физик-кимёвий хусусиятлар тадқиқот этилди (таъми, хиди, ранги, намлиги, ёғсиз қуруқ модда миқдори, ёғ миқдори, кесик намунаси, иссиқликга чидамлилиги).

Сариёғ намуналарини органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари 13-жадвалда келтирилган.

12-жадвал

| Кўрсаткич номи | Тавсифи |
|----------------|---------|
|----------------|---------|

| | |
|----------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ташқи күриниши ва консистенцияси | Бир жинсли, пластик, зич, кесилган сариёғ юзаси қуруқ ёки унда сувни ўта майда томчилари мавжуд бўлади. Кучсиз увалувчанлик ва консистенциясини бўш бўлишига йўл қўйилади. |
| Таъми ва хиди | Сариёғга хос тоза, ўзга таъм ва хидларсиз бўлиб ширин сариёғ учун пастерланган қаймоқ таъми хос ёки хос бўлмаслиги, |
| Ранги | Сигир сариёғи учун массаси бўйича бир хил ёрқин сариқдан сариқгача бўлган ранг хос. |

13-жадвал

| Тартиб раками | Ташқи күриниши ва консистенцияси | Таъми ва хиди | Ранги | Намлиги, % , кўп эмас | Ёғлиги, %, кам эмас | Ёғсиз қуруқ модда мидори, % |
|---------------|-------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|-----------------------|---------------------|-----------------------------|
| 1 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | Бир жинсли, пластик, зич, кесилган сариёғ юзаси қуруқ | Сариёғга хос тоза, пастерланган қаймоқ таъми билан, бегона таъм ва хидларсиз | Массаси бўйича бир хил сариқ ранг | 16,1 | 82,4 | 1,50 |
| 2 | Бир жинсли, пластик, зич, кесилган сариёғ юзаси қуруқ | Сариёғга хос тоза, кучсиз пастерланган қаймоқ таъми билан, бегона таъм ва хидларсиз | Массаси бўйича бир хил сариқ ранг | 16,0 | 82,5 | 1,49 |

Изоҳ: 1-“Муроджонсугт” МЧЖда ишлаб чиқарилган сариёғ намунаси; 2-“Агро Браво” МЧЖда ишлаб чиқарилган сариёғ намунаси.

13-жадвалдан кўриниб турибтики, иккала сариёғ намуналарини ташқи кўриниши, консистенцияси, таъми, хиди ва ранги бўйича баҳолаш натижалари намуналарни сариёғ ишлаб чиқариш технологик режимларига қатъий риоя қилинib ишлаб чиқарилганидан далолат беради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, корхоналарда ишлаб чиқарилган тузланмаган анъянавий ширин сариёғлардаги ёғ микдори 82,4 – 82,5 % ни, маҳсулот намлиги 16,0- 16,1 % ни, ёғсиз қуруқ модда микдори 1,49-1,50 % ни ташкил қиласди. Демак, тадқиқот этилаётган иккала сариёғ намуналари физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларидан сезиларли фарқ қилмайди.

Физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича стандарт сариёғ органолептик тахлил лабораториясига жўнатилади. Навларга бўлинмайдиган сариёғни баҳолашда уни органолептик кўрсаткичларини амалдаги стандартлар талабларига мослиги белгиланади.

Навларга бўлинадиган сариёғ органолептик кўрсаткичлари, шунингдек ўралиши ва тамғаланиши бўйича 100 баллик шкала бўйича баҳоланади: таъми ва хиди – 50; консистенцияси ва ташқи кўриниши – 25; ранги – 5; тузланиши – 10; ўралиши ва тамғаланиши – 10.

Сариёғни органолептик баҳолаш 12 ± 2 $^{\circ}\text{C}$ хароратда амалга оширилади. Нордон сариёғни органолептик баҳолаш уни 4-6 $^{\circ}\text{C}$ хароратда 1-3 кун сақлангандан кейин амалга оширилади.

Сариёғлар умумий балл баҳоланишига боғлиқ ҳолда қуйидаги навлардан бирига тегишли деб топилади: олий навга – 88-100 (41) балл, биринчи навга - 80-87 (37) балл. Қавс ичida таъм ва хидга берилган балл кўрсатилган.

Таъми ва хиди бўйича 37 баллдан кам ёки умумий балли 80 баллдан кам бўлган, физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига мос

келмайдиган, шунингдек нотўғри ёки ноаниқ тамғаланган тарага қадоқланган сариёғларни сотувга чиқарилишига рухсат берилмайди.

“Муроджонсугт” ва “Агро Браво” МЧЖ ларда ишлаб чиқарилган тузланмаган анъанавий ширин сариёғ намуналари органолептик кўрсаткичларини 100 баллик шкала бўйича баҳолаш натижалари 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

| Тартиб раками | Кўрсаткичлар | “Муроджонсугт” МЧЖ | “Агро Браво” МЧЖ |
|---------------|----------------------------------|--------------------|------------------|
| 1. | Таъми ва хиди | 42 | 46 |
| 2. | Консистенцияси ва ташқи қўриниши | 21 | 25 |
| 3. | Ранги | 5 | 5 |
| 4. | Тузланиши | 10 | 10 |
| 5. | Ўралиши ва тамғаланиши | 8 | 9 |
| Жами | | 86 | 95 |

Шундай қилиб, баҳолаш натижаларига кўра “Муроджонсугт” МЧЖда ишлаб чиқарилган ширин сариёғ намунаси биринчи навга ва “Агро Браво” МЧЖда ишлаб чиқарилган ширин сариёғ намунаси эса иккинчи навга тегишли деб топилди.

3.2. Сариёғ консистенциясини кесик намунаси бўйича аниқлаш

Кесиш намунасини амалга ошириш учун намуналарни ҳарорати 5°C гача етказилади. Тайёрланган намуналардан ўткирланган шпател ёрдамида қалинлиги 1,5-2,0 мм, узунлиги 5,0-7,0 см бўлган пластинкалар кесилади ва буриш деформациясига синалади. Консистенция тавфисифи кесик қўринишига боғлиқ ҳолда баҳолаш шкаласи бўйича белгиланади (3-расм):


яхши - пластинка зич текис юза ва чеккаларга эга бўлиб, енгилгина босилганида букилади;

қониқарли – пластинка унчалик катта бўлмаган букишга чидамли, кейин эса секингина синади;

кучсиз увалувчан – пластинка нотекис чеккаларга эга, букилганда синади;

увалувчан – кесиш пайтида пластинка бўлакчаларга бўлинниб кетади;

қатламли – кесиш ва букилганида қатламларга бўлинади.



Расм 3. Кесик намунаси бўйича сариёғ консистенциясини аниқлаш:

1 - яхши; 2 - қониқарли; 3 - кучсиз увалувчан; 4 - увалувчан; 5 - қатламли.



Расм 4. Ширин сариёғ намуналари кесиклари

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики (4-расм), “Муроджонсугт” ва “Агро Браво” МЧЖ ларда ишлаб чиқарилган тузланмаган анъанавий ширин сариёғ намуналарини кесик пластинкалари зич текис юза ва чеккаларга эга бўлиб, енгилгина босилганида букилади ва уларни консистенциялари баҳолаш шкаласи бўйича яхши деб баҳоланди.

3.3. Сариёғни иссиқликга чидамлилигини аниқлаш

Иссиқликга чидамлиликтен аниқлаш учун намуна харорати 10^0C гача етказилади.



Расм 5. Намуна олгич

Тайёрланган намуналардан намуна олгич (5-расм) ёрдамида ўлчами 20×20 мм бўлган цилиндрчалар кесилади (7-расм) ва эхтиёткорлик билан шиша пластинкага жойлаштирилади (8-расм). Сўнгра намунали пластинкалар 2 соатга харорати 30 бўлган термостатга жойлаштирилади. Сақлаш якунлангандан кейин намунали пластинкалар



Расм 8. Шиша пластинкага жойлаштирилган цилиндрчалар

пластинкалар термостатдан чиқарилади, миллиметрли қофозга жойлаштирилади ва цилиндрчани ёйилган асоси ўлчанади (9-расм). Иссиқликга чидамлилик кўрсаткичи цилиндрчани бошланғич диаметрини уни термостатлангандан кейинги диаметрига нисбати ҳисобланади.



Расм 7. Кесилган цилиндрча



Расм 9. Термостатдан
чиқарылган цилиндрчалар

Сариёғни иссиқликга чидамлилиги махсус шкала бўйича аниқланади: яхши иссиқликга чидамлилик 1-0,86; қониқарли иссиқликга чидамлилик 0,85-0,70; қониқарсиз иссиқликга чидамлилик 0,70 дан паст.

Тадқиқот натижалари (9-расм) “Муроджонсугт” ва “Агро Браво” МЧЖ ларда ишлаб чиқарылган тузланмаган анъанавий ширин сариёғ намуналаридан кесилган цилиндрчалар бошланғич диаметрини уни термостатлангандан кейинги диаметрига нисбати тегишлича 0,74 ва 0,77 ни ташкил қилди. Ушбу натижалар иккала корхонада ишлаб чиқарылган ширин сариёғ намуналарини иссиқликга чидамлилигини махсус шкала бўйича қониқарли иссиқликга чидамлилик деб баҳолашга имкон беради.

IV-БОБ.Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги

4.1.Меҳнат ҳавфсизлиги

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий асосларини “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни(1993 йил 6 май), Меҳнат кодекси (1995йил 21 декабр), “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва ишчиларни бошқа касалликларини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги низом (Вазирлар махкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори) ва бошқа давлат стандартлари ва қарорлари ташкил қиласди.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонун меҳнатни муҳофаза қилишни ягона тартибини белгилайди, ҳамда фуқароларни соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган. Қонунни 13 моддасида корхонада меҳнатнинг соғлом ва ҳавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ҳавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил эти шва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоасини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юклатилган деб айтилган. Шунингдек, фуқароларни уларнинг саломатлигига зидбўлган ишга қабул қилиш манн этилади (16- модда).

“Муроджонсугт” МЧЖ даги меҳнат характеристи, ходимларни мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилишини тақозо қиласди. Айнан, корхона ходимлари меҳнат шартномасини имзолаш пайтида дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиласиган даврда вақти – вақти билан тиббий ўтказишни ташкил қилиши шарт (17 – модда).

Меҳнат қилиш давомида ҳавфсизликни таъминлаш, инсон саломатчилигини сақлаш ва меҳнат кобилятини сақлаш учун куйидаги асосий вазифалар комплекс холда ечилиши керак.

1) Ишчиларни касаб-хунар буйича саралаб олиш: керак касб ва хунарларни аниқлаб олиш ва шу касб ва хунарларга ишчиларни саралаб ва танлаб олиш.

2) Ходимларни мөхнат мухофазаси бўйича уқитиш. Мөхнат мухофазасида иккита йўриқ бўлиб

биринчиси—кириш йўл-йўриқ, :кириш йўл-йўриғини ўтказиш;

иккинчиси – иш жойидаги йўл-йўриқ:

а) - иш жойида биринчи (бошлангич) йўл-йўриқ;

б) – даврий (такрорий) йўл-йўриқ;

с) - навбатдан ташкари йўл-йўриқ;

д) - жорий йўл-йўриқ;

е) ишчиларни йил давомида ўкув қўлланмаси бўйича ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш;

ф) иш жойида стажировка қилиш;

г) давлат назорат кулувчи органларнинг асосий назоратида бўлган объект хизматчиларни ўқитиш ва билимларини текшириб туриш;

3. Мөхнатни мухофаза қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

4. Ишлаб-чиқариш дастгоҳларининг хавфсизлигини ташкил қилиш;

3. Технологик процессларни хавфсизлигини ташкил қилиш;

4. Бино ва курилмаларининг хавфсизлигини ташкил қилиш;

5. Санитария ва гигиена мөхнат усулларини нормаллаштириш;

6. Ишчи-хизматчиларини бепул маҳсус кийим-бош. маҳсус поябзал хамда шахсий ва гурухий химоя воситалари билан таъминлаш ва ишлатишиларини назорат қилиш;

7. Ишчи-хизматчиларга дам олиш жойлари ташкил қилиш ва уларнинг мөхнатини мухофаза қилиш;

8. Ишчиларни дам олишини таъминлаш;

9. Ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш;

10. Мөхнатни мухофаза килиш тадбирлари тузиш ва шу тадбирлар учун маблағлар ажратиш, хамда бу тадбирларни амалга ошириш;

11. Ходимларга бепул маҳсус кийим-кечак маҳсус поябзал ва бошка химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити меҳнат кодекси билан амалга оширилади. Демократик хуқуқий тамойилларга асосланган мустақил давлатимизнинг бу кодекси ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини, меҳнатни муҳофаза килиш меъёрларининг бажарилишини тартибга солади. Меҳнат кодекси асосида хаафсизлик техникася, саноат санитарияси хақидаги қоидалрн ишлаб чикилади.

Меҳнат муҳофазасининг текширув ишларини давлат ва жамат ташкилотлари амалга оширади. Меҳнат Кодексининг 9 - моддасига биноан Ўзбекистан Республикаси худудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистан Республикаси бош прокурори ва унта бўйсунувчн прокурорлар томонидан амалга оширилади. Давлатнинг бир қанча мутасадди органлари ҳам назорат ишларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош санитария - эпидемиология назорати амалга оширадиган ишлар бу соҳада энг муҳим ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза килиш буйича ўкувни ва билимларни синааб кўришни ташкил этиш тўғрисидаги Низом, ишлаб-чикаришда бевосита ишларни ташкил этиш ва юритиш билан боғлик бўлган ишчилар, раҳбарлар, мухандис-техник ходимлар ва мутахассисларни, шунингдек, хавфсиз ишлаш буйича текшириш ва техник назоратни амалга оширадиган шахсларни лавозим мажбурияти ва бажариладиган иш хусусиятидан келиб чиқсан холда аниқлаб берилган малака талаблари хажмида завода ўқитиш ва уларнинг билимларини синааб кўришнинг бажарилиши шарт булган тартибда белгилаб беради. Заводнинг барча ходимлари, раҳбарлари ҳам уларнинг касби ва бажараётган иш турига мувофиқ белгиланган тартиб ва муддатларда ўкувдан, йўл-йўриқдан, билимларни синааб кўриш ва қайта шаходатлашдан ўтишлари шарт. Ишга кирувчилар хавфсиз ишлаш буйича йўл-йўриқ олганидан, билимлари синовдан ўтказилиб, стажировкани ўтказгандан сўнг мустақил ишлашга қўйилади. Заводга ишга кираётган барча ишчилар, ушбу заводга хизмат сафарига жўнатилган бошқа ташкилотларнинг ходимлари,

шунингдек амалиёт ўташ учун келган талабалар, мактаб ўқувчилари кириш йўриғидан ўтишлари керак.

Кириш йўриғини ўтказишдан мақсади, иш шароити, ички меҳнат тартиби қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари билан таниширишдан иборатdir. Ишчи-хизматчилар кириш йўриғини меҳнатни муҳофаза қилиш мухандиси, у бўлмаган пайтда корхонанинг бош мухандиси ёки меҳнатни муҳофаза килиш масалалари зиммасига юклатилган шахс бериши керак. (Мухандис-техник ходимларга, амалиёт ўташ учун келган талабаларга ва ўқувчиларга шахсан заводнинг бош мухандиси томонидан кириш йўриғи берилади)

Кириш йўриғини бош мухандис томонидан тасдиқланган тегишли контекст буйича махаллий хужжатлардан фойдаланган холда меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида ўтказилиши керак.

Кириш йўриғини бир гурух ишчиларга (одатда 10 кишидан ошмаслиги керак) ёки хар бир ишчининг ўзига алоҳида бериш мумкин.

Кириш йўриғини қайд этиш журналини заводнинг меҳнатни муҳофаза қилиш мухандиси юритади ва сақлайди.

Техника инспекцияси ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини, оғир ишларнинг механизация даражасини, жихозларни ишлатишда хавфсизликка риоя қилиш қоидаларини текширади. Улар шамоллатиш тизимлари ишини, ёритиш техникаси ҳолатини, жихозлар, инвентар, асбоблар тўғри ишлашининг техник ҳолати, тозалик, ишчи жойларининг тартиби, ходимларнинг касб кийимлари билан ўз вақтида таъминланишини текширади. Хамма меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича зарурый тадбирлар жамоа шартномасига киритилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларини сақлаш хамма кўринишдаги анжомлардан фойдаланишда мухим ахамиятга эга. Бунда жихозларга қарайдиган ходимлар уларни ишлатиш бўйича йуриқномалар билан таъминланади, уларда хавфсизлик техникаси, уларни меъёрида ишлатиш кўрсатилган бўлади.

Хар бир машинани ишга туширишдан олдин унинг созлигига ишонч хосил килиш керак, назорат - ўлчов асбобларини ва сақлагич курилмалар текшириб қўрилади.

Машина ва аппаратлар ишлаб турган вақтларда уларни тозалаш, мойлаш, созлаш ва таъмирлаш тақиқланади.

Мехнатни муҳофаза килиш ва хавфсизлик техникаси қоидалариға мувоғиқ носоз аппаратлар бўлса (манометр, сақлагич ва хаво клапани), иссиқлик берувчи жихозлардан фойдаланиш мумкин эмас. Манометр циферблатида аппаратнинг меъёрий ишчи босимини курсатадиган қизил чизик бўлиши керак. Манометрлар хар 6 ойда бир марта текширувдан ўтказиб турилади, сақлагич клапан ва продувка кранлари ҳар куни текширилади. Хар бир аппарат ёнида хавфсизлик техникаси хақида йўриқнома осиб қўйилган бўлиши керак. Газда ишлайдиган иссиқлик аппаратларининг бехатар ишлаши учун горелкалардан газ чиққанда унинг олдини олиш учун маҳсус автоматик асбоблардан фойдаланилади. Буни хавфсизлик автоматикаси дейилади. Бундан ташқари технологик жараёнларни ва иссиқлик берувчи аппаратларнинг меъёрида ишлашини тартибга солувчи автомат асбоблар ўрнатилади. Ростловчи автомата тегишли босимни ёки хароратни бир меъёрда сақлашни таъминлайди. Буғ босими билан ишлайдиган аппаратларда манометрга бериладиган босимни назорат қилиб туриш керак. Босимни тегишли меъёрда ушлаб туриш учун аппаратлар олдига редукцион клапан ўрнатилади. Бу керакли босимни автоматик тарзда сақлаб туради. Унинг ёнига клапан носозлиги туфайли юз бериши мумкин бўлган аварияни олдини олиш учун сақлагич ва манометр қўйилади. Электр қозонларда назорат сақлагич арматурасидан ташқари буғни автоматик тартибга соладиган электрконтакт манометри ўrnагилади. Одатдаги манометрдан электрконтакт манометрининг фарқи шундаки, у иккита милга эга.

4.2. Ёнғин ҳавфсизлиги

Ёнгин бу вақт ва фазо бўйича ривожланадиган ва назорат қилинмайдиган ёниш ҳисобланиб одамлар учун жуда ҳавфли ва катта моддий зааралар етказади. Шунинг учун ёнгин ва портлаш хафсизлиги масалаларини тушунтириш давлат аҳамиятига эга. Ёнгин ва портлаш хавфсизлиги бу ёнгин ва портлашларни профилактика қилиш ва йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник воситалар тизимиdir.

2009 йил 30 сентябр куни “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонун ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, хусусан, ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги хуқуqlари ва мажбуриятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилган.

Қонуннинг 10-моддасида ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги хуқуqlари ва мажбуриятлари келтирилган.

Ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасида қуйидаги хуқуqlарга эга:

- ёнгиндан саклаш хизмати бўлинмаларини белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- тегишли органларга ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;
- белгиланган тартибда ёнгин-техник комиссияларини ташкил этиш;
- ўз худудида содир бўлган ёнгинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари хамда шароитларини аниқяшга доир ишларни бажариш;
- ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш;
- белгиланган тартибда ёнгин хавфсизлиги масалалари бўйича ахборот олиш, шу жумладан ёнгиндан сақлаш хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмаларидан ахборот олиш.

Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;
- ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;
- ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши;
- ёнғинга карши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши;
- ўзига қарашли ёнғинга қарши химоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини, шу жумладан ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга яроқли холда сақлаши, улардан белтиланганидан бошка мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги;
- ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларига ёнғинларни ўчиришда, шунингдек, ёнғин назорати органларига ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари хамда шароитларини аниқлашда, ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишида ва ёнғинлар келиб чиқишида айбдор шахсларни топишда белгиланган тартибда кўмаклашиши;
- ўз худудидаги ёнғинларни ўчириш чоғида зарур кучлар ва воситаларни белгиланган тартибда бериши;
- ёнғиндан сақлаш хизматининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларнинг ўз худудига, бинолар, иншоотларга ва бошқа обьектларга эркин киришини таъминлаши;
- ўзига қарашли обьектларнинг ёнғин хавфсизлиги холати тўғрисидаги, шу жумладан ўзи ишлаб чиқараётган махсулотнинг ёнғин хавфлилиги хақидаги, шунингдек, ўз худудида содир бўлган ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни хамда хужжатларни ёнғин назорати органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра тақдим этиши;

-келиб чиққан ёнғинлар, мавжуд ёнғинга қарши химоя тизимлари ва воситаларидаги носозликлар тўғрисида, йўллар ва тор кўчаларнинг ҳолати ўзгарганлиги хақида ёнғиндан сақлаш хизматига дарҳол хабар қилиши;

-кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг фаолиятига белгиланган тартибда кўмаклашиши шарт.

Хар бир ходим иш жойида ёки завод худудида аланга ёки ёнғинни кўрса:

- биринчидан бу хақда цех устасига ёки ўз раҳбарига хабар бериб огохлантириши шарт:

- иккинчидан ёнғинда қолиб кетган хамкасбини бехатар жойга олиб чикиб, тиббий ёрдам кўрсатиши ва тиббий манзилга юборишга кўмаклашиш;

- учинчидан ёнғин ўчириш воситаларини ишлата билиши, агарда билмаса биладиган ходимларни жалб қилиб, қўл остидаги ўт ўчириш воситалари билан алангани ўчириши керак, яъни моддий бойликни сақлашдир.

- телефонда 50-10 ёки 51-08 ракамларни териб юқоридаги раҳбарларга хабар бериши керак.

Ёнғин чиқишининг қўпдан - қўп сабаблари бор. Кўп холларда бу олов билан эҳтиётсизлик қилиш, рухсат этилмаган жойларда чекиш, электр симларидан учқуи чиқиши, иситиш курилмалари нотўғрилиги ёки бузуқлиги, электр жихозлар, ёритгичлардан тўғри фойдаланмаслик натижасидир. Шунингдек, ёнғиннинг сабаби портлаш, момақалдирок, чақмоқ, ўз-ўзидан ёниш ҳам бўлиши мумкин. Ёнғин чиққанда харорат $800 - 1000^{\circ}\text{C}$ гача етади ва атрофдаги нарсаларни ҳам куйдиради.

Корхонада, унинг худуди ва омборхоналарида, бино, бино ичларида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш керак. Омборхоналарда ёнғинга қарши тадбир ўтказиш корхонанинг қаерида жойлашгани, кирадиган йўллар, ёнғинга қарши жихозларнинг созлиги, омборхоналарда олов хавфи бор молларнинг кўплиги ва бошқа сабабларга боғлик.

Ёнғин учун хавфли жойлар: ёнилғи, ёғочтахта, енгил алангаланадиган материаллар сақланадиган омборхоналардир. Бу омборхоналар олов ўтмайдиган материаллар билан жиҳозланади. Олов хавфи хар хил бўлган омборхоналарда материалларни сақлашда улар бир бирларидан ўтмайдиган деворлар, тўсиқлар билан ажратилади.

Вентиляция курилмалари хаводаги хавфли портловчи ва ёнувчи газларни хайдайди ва корхонада ёнғин хавфини пасайтиради. Табий шамоллатиш ёнғинга нисбатан хавфли эмас, аммо ёнғин чиққандан алана олишига ёрдам қиласи. Сунъий вентиляция кўп хажмдаги хаво чиқариб, ёнғиннинг авж олишини кучайтиради. Олов вентиляция каналлари бўйича бошқа объектларга хам ўтиши мумкин. Портлаш ёки ёнғин хавфи бор биноларнинг хамма хаво чиқадиган мўрилари ёнмайдиган материаллар билан жиҳозланиши шарт.

Вентиляция жиҳозларини ишлатишида куйидаги ёнгин хавфсизлиги коидаларига риоя килиш керак:

камера ва хаво чиқарувчи мўриларни ўз вақтида тозалаб туриш;

вақти - вақти билан чангни чиқариб ташловчи вентилятор нишини текшириб туриш;

вентиляция анжоми ўрнатилган жой яқинидаги девор, шип, хаво торткич сиртларини мунтазам равищда тозалаб туриш.

Ёнғин чиққан такдирда, энг аввало, ўт ўчириш хизматига хабар бериш зарур. Шу максадда телефон алоқаси ёки электр ўт ўчириш сигнализациясидан фойдаланилади (йирик шахарларда), ички сигнализация махаллий ёнғинга қарши командани чақириш учун ншлатилади (йирик корхоналарда).

Ёнгинга карши команда келганига кадар корхонадаги имкониятлар ишга солиниб, утни ўчиришга киришилади: қум, курак, челяклар, сув, гидропультлар ва ўт ўчиргичлардан фойдаланилади. Ёнгинни бартараф килувчи бошлангич воситалар қаторига ўт учирувчи воситалар (сув бочкалари, асбест материал, кошма, кигиз, қум солинган ящиклар, ёнгин щит

ва стенд жихозлар) ва ёнгин асбоблар(ёнгин пақирлар, багра, лом, белкурак, болта, ўт ўчиргич) киради. Булар авж олмаган ёнгинларни бартараф килиш учун ишлатилади.

Кўпикли ўт ўчиргич (ОХП-10). Бу ёнувчи қаттиқ ва суюқ моддаларнинг ёниш натижасида пайдо бўла бошланаётган ёнгин учун хизмат килади. Айрим кимёвий элементлар ўт ўчирувчи моддалар билан реаксияга киришиб олов ёнгинини кучайтиради ва портлаш хавфини туғдиради. Кўпикли воситалар эллектрускуналарни ёнгиндан ўчириш учун хизмат кила ололмайдилар.

Углекислотали ўт ўчиргич (ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8) ва бошқа турлари. Бу ўт ўчиргичлар катта бўлмаган хар хил нарса ва материалларни ёнишини ўчиради, шу билан бирга 380 в гача бўлган кучланишли электр установкаларидаги ёнгинни ўчиради.

Порошокли ўт ўчиргич (ОП-3; ОП-5; ОП-10; ОПС-6, ОПС-10, ОППС-100), нефт махсулот, эритма, метал ишқорларни ва кучланиши 380 волтгача булган элэктр ускуналардаги ёнгинни ўчириш учун хизмат қиласидар.

Ўт ўчиргичнинг ишга тушириш учун уни пастки туб томони тепага кўтарилади, бош қисми ерга, каттиқ нарсага урилади, бу иш оловдан 10 м олисда қилиниши керак. Суюқлик кўпик ва карбонат ангидрид хосил бўлади. Карбонат ангидрид гази босими натижасида кўпик отилиб чиқади ва 8 м баландликка кўтарилади, бу харакат бир ярим минут давом этади. Унда бошланган оловни учриш мумкин.

Ёнгин пайтида одамларни ва моддий бойликларни олиб чиқиш бинонинг чиқиш йўллари кўплиги ва кенглигига боғлик. Хамма зиналарга ва чикишга мўлжалланган эшиклар ташқарига очиладиган бўлиши керак. Ташқи зиналарга қаратилган ромларга панжаралар қўйиш ва қулфлаш мумкин эмас. Бундай ромлар кизилга бўялади, «Зинапояга чиқиш» деб ёзиб кўйилади.

Хулоса ва таклифлар

1. Сариёғларни озиқавий ва биологик қиймати тахлил этилди.
2. Сариёғлар ассортименти тахлил этилди.
3. Сариёғлар сифатини шаклланиши хусусиятлари белгиланди.
4. Сариёғлар экспертизасининг ташкил этиш услуби ишлаб чиқилди.
5. Тадқиқот услублари тартиби ва натижаларга ишлов бериш баёни ишлаб чиқилди.
6. Сариёғларни физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланди ва уларни органолептик баҳолаш амалга оширилди.
7. Сариёғ консистенциясини кесик намунаси бўйича баҳоланиши амалга оширилди.
8. Сариёғни иссиқликга чидамлилиги аниқланди.
9. Самарқанд шаҳридаги “Муроджонсұт” МЧЖ да персонал ҳаёт фаолияти ва хизматлар ҳавфсизлиги бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Эркин ва фаровон Демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президента лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент. Ўзбекистон НМИУ, - 2016 й.
2. 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-325-сонли Қарори.
3. 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-640-сонли Қарори.
4. 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1754-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар стратегияси" ПФ-4947-сонли Фармони.
6. “Ёнғин ҳавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2009 йил 30 сентябр, УРК-226.
7. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 6 май, 839-XII.
8. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. 1995 йил 21 декабр, 161-I.

9. “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 26 апрел, 221-І.
10. Fayziyev J.S., Qurbonov J.M. Oziq-ovqat mahsulotlari tadqiqotining fizik-kimyoviy uslublari. O‘quv qo‘llanma. –Toshkent, «Ilm-Ziyo», - 2009 y.– 240 b.
11. Шевелёва Г.И. Контроль качества продукции: Учебный комплекс. – Кемеровский технологический институт пищевой промышленности. – Кемерово, 2004. - 140с.
12. Методы исследования свойств сырья и продуктов питания: Учебное пособие / Т.В. Подлегаева, А.Ю. Просеков. Кемеровский технологический институт пищевой промышленности.- Кемерово, 2004.- 101 с.
13. Контроль качества молока и молочных продуктов: учебное пособие / Б.К.Асенова, М.Б.Ребезов, Г.М. Топурия и др. –Алматы, СГУ, 2013. -212 с.
14. Н.И. Морозова, Ф.А. Мусаев. Лабораторный практикум по технологии молока и молочных продуктов. –Рязань, 2015. -231 с.
15. Ткаль Т.К. Технохимический контроль на предприятиях молочной промышленности / Т.К.Ткаль. – М.: Агропромиздат, 1990. -192 с.
16. Меркулова Н.Г. Производственный контроль в молочной промышленности / Н.Г. Меркулова, М.Ю.Меркулов, И.Ю.Меркулов. СПб.: Профессия, 2009. -265 с.
17. Производственный контроль молока и молочных продуктов: учебное пособие./ О.Я. Соколова, Н.Г.Догарева. –Оренбург: ОГУ, 2012. -195 с.
18. Васильева О.Г. Технохимический контроль производства молока и молочных продуктов: учебное пособие для студентов среднетехнических учебных заведений. – КемТИПП, 2011. -104 с.

19. Сут ва сут маҳсулотларига (техник шартлар ва тахлил усуллари) Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган давлатларо стандартлар.
20. Сут ва сут маҳсулотларига (техник шартлар) бўлган амалди Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартлари.
21. Э.П. Шалапугина, Н.В. Шалапугина. Технология молока и молочных продуктов. Издательство: Дашков и Ко, Альтэк, 2013. -396 с.
22. Э.П. Шалапугина, Н.В. Шалапугина, И.В. Краюшкина. Лабораторный практикум по технологии молочных консервов и сыра. Издательство:Гиорд, 2012. - 96 с.
23. В.В. Закревский. Молоко и молочные продукты. Издательство: Амфори, 2010. - 46 с.
24. Г.В. Твердохлеб, Г.Ю. Сажинов, Р.И. Раманаскаус. Технология молока и молочных продуктов. Издательство: СПб ГУН и ПТ, 2003. - 420 с.
25. Г.Н.Крусь, А.Г.Храмцов, З.В.Волокитина, С.В. Карпычев. Технология молока и молочных продуктов. Под ред. д-ра техн. наук, профессора А.М. Шалыгиной. М.: Колосс, 2003. – 316 с.
26. Вышемирский Ф. А. Маслоделие в России (история, состояние перспективы). Углич.: 1998. – 589 с.
27. ГОСТ Р 52253 – 2004 Масло и паста масляная из коровьего молока. Общие технические условия.
28. ГОСТ Р 52969 – 2008 Масло сливочное. Технические условия.
29. ГОСТ Р 52970 – 2008 Масло сливочное с вкусовыми компонентами. Технические условия.
30. ГОСТ Р 52971 – 2008 Масло топленое и жир молочный. Технические условия.
31. Скуратовская О.У. Контроль качества продукции физико - химическими методами. 2 – е изд. перер. и доп.- М.: «Де Ли принт», 2003. – 128 с.

32. Крусь Г. Н., Шалыгина А. М., Волокитина З. В. Методы исследования молока и молочных продуктов. / Под общ. ред. А. М. Шалыгиной. – М.: Колос, 2000. – 368 с.
33. Ozon.ru. Молоко и молочные продукты.
34. Молоко и молочные продукты. Общие методы анализа: сборник. – М.: Стандартинформ, 2009. – 431 с.
35. Шалыгина, А.М. Общая технология молока и молочных продуктов: учебник для вузов / А. М. Шалыгина, Л.В. Калинина. - М.: КолосС, 2006. - 199 с.
36. Г Н Крусь. Технология молока и молочных продуктов / Г Н Крусь, А Г Храмцов. - М: Колос, 2006. - 455с.
37. Степанова Л.И. Справочник технолога молочного производства: Технология и рецептуры : Т.1.Цельномолочные продукты. Производство молока и молочных продуктов / Л. И. Степанова. - ГИОРД, 2004. - 384 с.
38. Храмцов А.Г. Справочник технолога молочного производства / А. Г. Храмцов. - 2004. - 576.